Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 208 (20. 176) • 1988 йил 10 сентябрь • шанба

Баҳоси 3 тийин.

ХИРМОНИНГИЗ ЮКСАЛАВЕРСИН, АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР!

• Ягона сиёсий кун

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ

9 сентябрь куни республикамизда бўлиб ўтган Ягона сиёсий кун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленумининг якунларига бағишланди. Унинг «Озиқ-овқат программаси — қайта қуришнинг энг муҳим социал-сиёсий масаласи», деган мавзуси XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларидан келиб чиқади, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос келади.

Корхоналарда, муассасаларда, колхозлар ва совхозларда агросаноат комплексини ривожлантириш, социал-маиший муаммоларни ҳал қилиш тўғрисида манфаатдорлик билан гаплашиб олинди. Ягона сиёсий кун қатнашчилари қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорва маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, ташиш, давлат секторида маҳсулот турларини кўпайтиришнинг ўткир, конкрет масалаларини ўртага қўйдилар.

Шаҳар ва қишлоқ аҳли дастурхони мўл-кўл бўлиши учун Озиқ-овқат программасини ҳал қилишга конкрет ҳисса қўшиш ҳар бир кишининг бурчидир. Шу куннинг энг муҳим вазифасини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигида оила ва ижара пудратини кенг жорий этиш, ёрдамчи ва шахсий хўжаликни, кооператив ҳаракатини ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Бу ишда маҳаллий Советлар катта роль ўйнаши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов иштирокида ўтган пленуми Озиқ-овқат программасини, Ўзбекистон агросаноат комплексида янги иқтисодий муносабатларни ҳал этишнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Сиёсий кунда мана шу умумхалқ ишига ҳар бир меҳнатчи қандай ҳисса қўшиши мумкин ва лозимлиги ҳақида гап борди.

Ягона сиёсий кунда меҳнат коллективлари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, совет, жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 9 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Шу жумладан машинада терилгани: Мавсум бошидан
Хоразм	1,39	9,13	0,03	0,03
Андижон	0,91	5,77	—	—
Қашқадарё	0,84	3,78	0,17	0,48
Сурхондарё	0,57	2,87	—	—
Наманган	0,68	2,32	—	—
Фарғона	0,78	1,97	—	—
ҚҚАССР	0,32	1,42	—	0,01
Тошкент	0,32	1,30	—	—
Самарқанд	0,05*)	0,15	—	—
Сирдарё	0,03	0,06	—	—
Бухоро	—	0,06	—	—
Республика бўйича:	0,51	2,43	0,02	0,06
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Наманган	1,70	4,70	—	—
Сурхондарё	0,62	3,33	—	—
Қашқадарё	0,42	1,15	—	—
Самарқанд	—	0,15	—	—
Республика бўйича:	0,53	2,50	—	—

*) маълумот аниқланган.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикада ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 9 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар, иккинчи устун— бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	7,2	40,6
Жиззах	7,9	38,5
Сурхондарё	8,0	24,0
Тошкент	7,1	19,9
Хоразм	4,5	15,6
Наманган	4,9	14,6
Қорақалпоғистон АССР	2,4	8,7
Сирдарё	3,7	8,5
Андижон	2,4	6,7
Бухоро	1,3	2,8
Навоий	1,3	2,5
Фарғона	0,1	0,6
Самарқанд	0,2	0,5
Республика бўйича	4,3	16,3

АГРОСАНОАТ ХОДИМЛАРИ!

● Пахта йиғим-терими оммавий тус олмоқда. Олтиндан қиммат фурсатларни бой бермай, терим суръатини бутун чоралар билан оширайлик.

● Барча моддий техника ресурслари, ишчи кучлари мавсум юмушларига тўла сафарбар этилсин.

● Ишни тўғри, аниқ-пухта, нуқсонсиз уюштириш — ҳосил учун курашда ҳал қилувчи омил бўлсин.





ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхози деҳқонлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Эрта-кечдан терим бошланиб кетади. Яқин кунлар ичида пайкалларга «зангори кема»лар киритилади. Ҳозирча дефолиация қизғин олиб бориляпти. Бу йил совхоз бўйича 3081 гектар майдондаги ғўзаларнинг барги сунъий тўктирилиши керак. Айниқса, ёш механизатор Сафар Қудратов бу муҳим тадбирни амалга оширишда кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Суратларда: Сафар Қудратов ва дефолиация пайти.

У. ҚУШВОҚОВ фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ (ЎзТАГ)ГА

Азиз ўртоқлар!

Сизларни Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎзТАГ)нинг 70 йиллиги билан самимий табриклаймиз.

ТАССнинг, барча оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг таркибий қисми бўлган республика ахборот хизмати КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ғояларини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда. Агентлик республика, шаҳар ва район газеталарига, телевидение ва радиога, Иттифоқ матбуотига йўллаётган материаллар демократиялаш ва ошкораликнинг муҳим омили бўлиб, амалга оширилаётган моҳият жиҳатидан революцион ўзгаришларда фаол иштирок этишга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб қилишга хизмат этмоқда.

ЎзТАГ ходимлари ТАССнинг шонли анъаналарини давом эттириб, куч-ғайратларини ахборот хизматини янада такомиллаштиришга, материалларнинг сифатини ва оперативлигини оширишга, республика турмуши ҳамма соҳаларини қайта қуриш жараёни ҳар томонлама ёритилишини таъминлашга қаратмоқдалар. ТАСС бўлинмалари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақада биринчи ярим йиллик якунларига кўра агентлик совринли ўринлардан бирини эгаллаганлиги ЎзТАГ ишидаги ижобий ўзгаришлардан далолат бериб турибди.

Шу билан бирга ЎзТАГ фаолияти қайта қуриш ўртага қўяётган талаблар ва вазифаларга ҳали тўла мос эмаслиги мутлақо равшан. Агентликнинг ижодий ва техник имкониятларидан ҳали етарли фойдаланилмаяпти. Юз бераётган ҳодисалар ва воқеалар ҳамиша ҳам чуқур ва оператив ёритилишига эришилмаяпти, баъзан хатоларга ва ноаниқликларга йўл қўйилмоқда. Иқтисодий ислоҳот, сиёсий системани демократиялаш ва ислоҳ қилиш, миллатлараро муносабатлар, озиқ-овқат билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хотин-қизлар орасида иш олиб бориш муаммолари ҳамда республика учун етилган бошқа кўпгина масалалар юзасидан материаллар кам тайёрланмоқда ва матбуотга кам юборилмоқда.

Ҳозирги вақтда бошқа оммавий ахборот воситалари каби ЎзТАГ фаолияти ишнинг сифат жиҳатидан янги даражасига ўтиши айниқса муҳимдир. Ахборотнинг мазмуни, ишончлилиги ва оперативлиги учун унинг конкретлилиги, аналитиклиги ва теранлиги учун ҳар бир ходимнинг масъулиятини қатъий ошириш лозим. Муаммоларни ўртага ташлаш ва уларни ҳал этишга ёндашишда дадиллик керак. Барча илғор, тараққийпарвар, ҳалол, батартиб жиҳатларни ҳимоя қилишда дадиллик зарур. Бу омилларнинг барчаси ҳозир биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон ахборот агентлигининг журналистлари, барча ходимлари ҳамиша партия ўртага қўйган вазифалар даражасида бўлишларига, ўз сиёсий, гражданлик ва профессионал бурчларини муносиб бажаришларига шубҳа йўқ.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Азиз касбдошлар!

Шонли сана — Ўзбекистон Телеграф агентлигининг етмиш йиллиги муносабати билан барча ТАСС ходимларининг самимий табригини қабул қилгайсиз.

Агентлигингиз революция бўрони йилларида туғилди ва республика ҳамда бутун мамлакат билан биргаликда ўсди ва ривожланди.

Ҳозир, мамлакат ҳаётида туб ўзгаришлар даврида ЎзТАГ — республикада қайта қуришнинг фаол иштирокчиси, жамиятни сиёсий ислоҳ қилишда, ўтмишда йўл қўйилган катта хатолар ва камчиликларни тугатишда партиянинг сергайрат ёрдамчисидир.

Агентлик мамлакатнинг ягона ахборот системаси доирасида ошкоралик, демократияни чуқурлаштириш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш шароитида совет кишиларининг экономикани ва ижтимоий онгни қайта қуришда тобора фаол иштирок этаётганлигини кенг ёритмоқда. Агентлик журналистлари ленинча халқлар дўстлигининг ҳаётбахш кучи масъулиятли вазифаларни ҳал этишда, бутун мамлакатни ривожлантиришга ҳисса қўшишда республика меҳнаткашларига ёрдам бераётганлигини кўрсатмоқдалар.

Сизлар қайта қуриш жараёнини ёритиб, айни бир пайтда ўз ишингизни такомиллаштирмоқдасиз, ахборотнинг оперативлигини ва таъсирчанлигини оширмоқдасиз, ҳамманинг қалбига етиб борадиган бўлиши учун унга янада инсоний тус бермоқдасиз. Журналистик маҳоратни, ҳар бир ходимнинг билимдонлиги, пухта ва аниқ ишлаши ва масъулиятини оширишда сизларга муваффақиятлар тилаймиз.

ТАСС раҳбарияти республика агентликлари ўртасидаги социалистик мусобақада бу йил катта муваффақиятга эришган ЎзТАГ коллективи янада самаралироқ ишлайди ҳамда совет ва чет эл жамоатчилигини ҳар томонлама хабардор қилиб боришга, партия оммавий ахборот воситалари олдига қўйган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшади, деб ишонч билдиради. Серқуёш Ўзбекистон заминида эришилган барча муваффақиятлар республика меҳнаткашлари, мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг биргаликдаги меҳнати самараси, ақл-идроки ва истеъдодининг мевасидир. ТАСС ходимлари — журналистлардан ўз намуналари билан одамларга ўргатаётган, уларни жамиятимизни революцион қайта қуриш учун курашга руҳлантираётган қайта қуриш жонкуярлари ҳақида қизиқарли материалларни кутмоқдалар.

Азиз ўртоқлар, сизларга катта ижодий муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз.

ТАСС КОЛЛЕГИЯСИ

• «Ҳосил 88»: дала-редакция» телефон линиясида

80 процента машиналарда

Сурхондарё областида пахта йиғим-терими тобора авж олдирилмоқда. Кўплаб илғор хўжаликларнинг миришкорлари дастлабки кунларданоқ далаларда мардона меҳнат қилиб, суръатга қанот бағишламоқдалар. Бу борада Олтинсой районидаги К. Маркс номли колхоз заршунослари алоҳида ибрат кўрсатишмоқда. Махсус мухбиримиз К. РИХСИЕВ хўжалик раиси Бобоназар ТОШБОЕВ билан телефонда боғланиб, мавсумни тез ва соз олиб бориш учун қилинаётган ишлар, белгиланган тадбирлар ҳақида сўзлаб беришни сўради.

— Аввало шуни айтиш керакки, бу йил биз пахтакорлар учун анча қулай келди. Хўжалигимиз аъзолари бундан оқилона фойдаланиб, барча пайкалларда мўл ва эртаги ҳосил етиштирдилар. Ҳозир далаларимизда бўлган кишининг кўзи қувнайди. Ғўзалардаги маржон-маржон кўсаклар кун сайин бодраб очилмоқда. Биз фурсатни ўтказмай, ғўзанинг пастки шохларидаги етилган пахтани териб олаяпмиз.

Жума Файзулов, Боймурод Иброҳимов, Ҳайитмамат Аликуловлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари, айниқса, яхши ишлашмоқда. Кунига 120-150 килограммдан пахта тераётган илғор теримчилар — Қизларой Иброҳимова, Қизларой Бойжумирзаева, Ойжамол Саидова, Мавжуда Чориева, Ҳайитгул Аликулова ва бошқа кўплаб чеварларнинг ғайрат шижоати туфайли колхозимизда ҳар куни планнинг 1,5—2 процента миқдорида «оқ олтин» тайёрланяпти.

Қўл теримини ҳар қанча кучайтирмайлик, техникадан фойдаланмай бор ҳосилни қисқа муддатда саранжомлаб олиш мумкин эмаслигини яхши биламиз. Шу сабабли асосий эътиборни машина теримига қаратяпмиз. Механизаторларимиз бу йил барча ҳосилнинг 80 процентини «пўлат этак»лардан тўкиш мажбуриятини олишган. Шу мақсадда пахтаси машинада териладиган пайкаллар алоҳида назорат остига олинган. Қатор оралари да бегона ўт қолдирилмади. 600 гектар майдондаги ўрта толали пахта ғўзасини ОВХ аппаратлари ёрдамида сифатли дефолиациядан чиқардик.

Механизаторлар 1000 гектар ердаги ипак пахта ғўзасига дефолиант сепишни ҳам бошлаб юбордилар. Барча терим машиналари ишга тахт. Уларнинг унумли ишлашини таъминлаш мақсадида учта терим-транспорт отряди тузганмиз. Отрядларнинг ҳар бирига 8-9 тадан терим машинаси, учтадан транспорт трактори, ўнтадан тележка, погрузчик, кўчма устахона бириктирилган, 52 та механизатор мавжуд 26 та комбайнини икки сменада ишлатиш учун шай бўлиб туришибди.

Яқинда хўжалигимизда мавсумни муваффақиятли ўтказиш юзасидан йиғилиш ўтказиб, аниқ тадбирлар белгилаб олдик. Ҳар бир терим-транспорт отрядига малакали, тажрибали кишилар бошлиқ қилиб тайинланди ва улар конкрет иш программасини белгилаб олдилар. Шу йиғилишда даладаги ҳосил салмоғини чамалаб чиққан комиссия таклифига биноан оширилган мажбурият қабул қилинди. Давлатга илгариги мажбуриятда белгиланган 5000 тонна ўрнига 5500 тонна юқори сифатли «оқ олтин» топширишга аҳд қилдик.

Ҳосилни вақтида йиғиштириб олиш одамларга, уларнинг унумли ишлашларига боғлиқ. Шуни назарда тутиб, уларга қулай шароит яратиб берганмиз. Колхозимиз боғларида етиштирилган мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари дала шийпонларига келтирилиб арзон нархда сотилмоқда. Район матлубот жамияти колхозимиз аъзоларига хизмат қилиш учун 2 та кўчма дўкон ажратган. Улар ҳар куни дала айланиб, зарур молларни етказиб туришибди. Дала шийпонларининг ҳаммасида бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Мавсумий болалар боғчалари иш бошлади.

Йиғим-теримда ҳал қилувчи палла бошланди ҳисоби. Биз унинг ҳар бир дақиқасини унумли ўтказиб, бор ҳосилни қисқа вақтда йиғиб-териб олинишини таъминлайлик.

• Ўзбекистон—Белоруссия:

БЕВОСИТА АЛОҚАЛАР

Белоруссия ССР Гродно район агросаноат бирлашмаси билан Самарқанд областидаги учта хўжалик ўртасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айрибошлаш тўғрисида шартнома тузилди. Жомбой районидаги «Октябрь» ва Пайариқ районидаги Карл Маркс номли колхозлар, шунингдек Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ўқув-тажриба хўжалиги Белоруссияга 200 тонна қанд лавлаги уруғи етказиб беради, Ўрнига эса зотли қорамол оладилар.

Нима учун белоруссиялик деҳқонлар ёрдам сўраб ўзбекистонликларга мурожаат қилдилар? Бу саволга Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ўсимликшунослик кафедрасининг мудири профессор Е. П. Горелов жавоб берди:

Қанд лавлагининг уруғини олиш учун икки йил керак бўлади. Кафедрамиз олимлари бу жараённи икки баравар қисқартирдилар: кузда қанд лавлаги уруғи экилиб, баҳорда жадал ривожланади ва ёзда ўзининг ёввойи турлари сингари уруғ беради.

Бунда уруғнинг сифати яхшиланиб, унинг ҳосили ошади.

Қанд лавлаги уруғчилиги республикамиз хўжаликлари учун нафлидир: бу билан улар Белоруссиядан қорамолларни сўкимга боқиш учун брикетланган тўйимли кунжара, шунингдек қанд ишлаб чиқаришдаги қимматли чиқиндини оладилар.

Белоруссиялик деҳқонлар билан ҳамкорлик давом эттирилади.

(ЎзТАГ).

ЎзТАГ маркаси билан

Ўзбекистон Ахборот агентлиги (ЎзТАГ) аппаратхонасидаги телетайплар эрта тонгдан ярим тунгача пайдар-пай ишлаб, ўз мухбирларининг оператив хабарларини республиканинг барча областларидаги юзлаб газеталарга, телевидение ва радиога ўтказиб туради.

Шу тариқа 70 йил меҳнат қилинди. 1918 йилда Туркистон Халқ Комиссарлари кенгаши ҳузурида ахборот бюроси тузилган эди. Унинг номи ўзгариб турди, ҳозирги ЎзТАГ маркази телетайп лентларида 1934 йилда пайдо бўлди, аммо агентликнинг бош вазифаси ўзгармай қолаверди: у меҳнаткашларни республика турмуши, унинг ютуқлари ва муаммолари тўғрисидаги долзарб, мароқли, хилма-хил ахборот билан таъминлаб келмоқда.

ТАССнинг Ўзбекистондаги коллектив вакили бўлмиш агентликнинг журналистлари ўз хабарлари, корреспонденциялари ва фотосуратларини Иттифоқ ва жаҳон матбуотига ҳам юбормоқдалар. Таржима хизмати ҳам бўлган ЎзТАГ уч тилда — рус, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида материаллар тайёрламоқда. ЎзТАГ ахборотлари тўғридан-тўғри телетайп каналлари орқали Ўзбек тилида газета чиқадиган Тожикистон ва Қирғизистонга бормоқда.

ЎзТАГнинг етмиш йиллик юбилейига бағишлаб 9 сентябрь куни Тошкентда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ЎзТАГ коллективи номига йўллаган табрикномасини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов ўқиб эшиттирди.

ТАСС Бош директорининг биринчи ўринбосари Г. А. Шишкин Совет Иттифоқи Телеграф агентлигининг ЎзТАГ коллективига йўллаган табрикномасини ўқиб берди. У агентликнинг бир гуруҳ ходимларига ТАСС билан Маданият ходимлари касаба союзи марказий комитетининг фахрий ёрлиқларини топширди.

Ўзбекистон ахборот агентлигининг директори Э. Қ. Ҳайитбоев доклад қилди.

ЎзТАГ ходимларини республика Журналистлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси Н. Е. Ғойибов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори М. И. Ҳўжаева табрикладилар. Агентлик ходимларига СССР Журналистлар союзи ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, иттифоқдош республикалар ахборот агентликларининг раҳбарлари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

КЕКСАЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК— ЖАМИЯТНИНГ БУРЧИ

Тошкентда бўлиб ўтган республика семинар-кенгаши муҳим социал муаммога — кексайиб қолган ёлғиз гражданлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш масаласига бағишланди. Семинар-кенгашни Ўзбекистон ССР Меҳнат ва социал таъминот давлат комитети ўтказди.

Семинар қатнашчилари давлат ва жамиятдан бошқа ёрдам берадиган одами бўлмаган кексайиб қолган ёлғиз кишиларнинг турмуш шароитини яхшилашга оид тадбирлар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар. Ана шундай кишиларга медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатувчи тегишли министрликларнинг иши, оталиқ ёрдамининг аҳволи жиддий танқид қилинди.

Сўзга чиққан кишилар раҳм-шафқатлилик тузумимиз моҳиятига хос хусусият эканлигини таъкидладилар. Бутун ҳаётини жамият фаровонлигига бағишлаган кишиларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлишимиз керак. Бунда касаба союзларига, Қизил Крест ва Қизил ярим ой жамиятига, бошқа жамоат ташкилотларига катта роль ажратилади. Ветеранларнинг республика, область, район Кенгашлари уруш ва меҳнат ветеранларининг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим. Айниқса уйга бориб хизмат кўрсатиш юзасидан мактаб ўқувчилари, жамоатчиликнинг оталиқ ёрдамини кучайтириш зарур. Қариялар учун мўлжалланган бир қанча уйлардаги ишларни такомиллаштириш талаб этилади.

Семинар-кенгаш қатнашчилари кексайиб қолган ёлғиз гражданлар тўғрисидаги социал ғамхўрликни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

РАСМИЙ АХБОРОТ

ИНТЕРНАЦИОНАЛЧИ ЖАНГЧИЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

СССР Министрлар Совети «Афғонистон Республикасида интернационал бурчини адо этган кишиларнинг ва улар оилаларининг моддий-маиший турмуш шароитини яхшилашга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

СССР ҳукумати иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область, автоном область ва округ, шаҳар (республикага бўйсунувчи шаҳарларда) Советларининг ижроия комитетларига Афғонистон Республикасида интернационал бурчини адо этиш чоғида олган жароҳати, контузияси, майиблиги ёки касаллиги оқибатида инвалид бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар қаторидаги инвалидларга уларнинг хизматларини эътиборга олиб, республика ёки маҳаллий аҳамиятга молик шахсий пенсияларни, Афғонистон Республикасида интернационал бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ёки жароҳат, контузия, майиблик ёхуд касаллик оқибатида вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига боқувчисидан маҳрум бўлганлик муносабати билан шахсий пенсиялар белгилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни топширди.

Афғонистон Республикасида интернационал бурчини адо этиш чоғида олган жароҳатн, контузияси, майиблиги ёки касаллиги оқибатида инвалид бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчилар қаторидаги олий ўқув юртларининг студентлари ва ўрта махсус билим юртларининг талабалари учун ойига 100 сўм миқдорида, мазкур студентлар ва талабалар давлатнинг тўла таъминотида бўлганлари тақдирда эса — олий ўқув юртларида ойига 40 сўм миқдорида ва ўрта махсус билим юртларида 30 сўм миқдорида махсус стипендиялар белгиланди. Ҳунартехника билим юртларининг мазкур собиқ ҳарбий хизматчилар қаторида бўлган ўқувчиларига стипендиялар ойига 20 сўм оширб, шулардан давлатнинг тўла таъминотида бўлганларига эса ойига 30 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Афғонистон Республикасида интернационал бурчини адо этган ҳарбий хизматчилар қаторидаги кишилар ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилганларидан кейин уларни ишга жойлаштириш учун масъулият одамларни ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи тегишли органлар зиммасига юкланди.

Афғонистон Республикасида интернационал бурчини адо этган собиқ ҳарбий хизматчилар учун ишлаб чиқариш-иқтисодий таълими даврида уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг қуйидаги тартиби белгиланди:

янги касбни ўзлаштириш (янги ишчиларни тайёрлаш) чоғида таълимнинг бутун даври учун ишчи тариф ставкасининг 100 процентн тўланади;

қайта тайёрлаш, иккинчи касбга ўқитиш ва малакани ошириш чоғида ишдан ажралган ҳолда таълим олишнинг бутун даври мобайнида мавжуд касб ва малакага мувофиқ ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Афғонистон Республикасида ҳарбий хизматчи сифатида интернационал бурчини адо этган кишиларга уй-жой қуриш кооперативларининг уйларини барпо этишга процентсиз қарз олиш ҳуқуқи берилди. Шу мақсадда илгари берилган қарзларнинг процентларини улардан ундириб олиш тўхтатилди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, министрликлар, идораларга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига Афғонистон Республикасида интернационал бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ёки жароҳати, контузияси, майиблиги ёхуд касаллиги оқибатида вафот этган, уй-жойга эга бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ҳарбий хизматчиларнинг, ишчи ва хизматчиларнинг оилаларини 1988—1989 йилларда турар жой саҳни билан таъминлаш топширилди.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, Афғонистон Республикасида интернационал бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати, контузияси, майиблиги ёхуд касаллиги оқибатида вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг оналари 50 ёшга тўлганларидан кейин боқувчисидан маҳрум бўлганлари тақдирида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи учун пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига ёки шу ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини боқаётган бошқа кишиларга иш жойларида болалар билан биргаликда дам олиш учун дам олиш уйлари ва пансионатларга путевкалар олишда,шунингдек мазкур ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун пионер лагерларига путевкалар олишда устун ҳуқуқ берилди.

СССР Маданият министрлигига Москвада интернационалчи жангчиларга ёдгорлик барпо этиш масаласини кўриб чиқиш ҳамда мазкур масала хусусидаги тегишли таклифларни 1989 йилнинг 1 январигача СССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилди.

Ушбу қарор Афғонистон Республикасида совет ҳарбий қисмларида хизмат қилган, жароҳатланган, контузия бўлган ёки майиб бўлган ёхуд жанг ҳаракатларини таъминлашда қатнашганликлари учун СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотланган ишчи ҳамда хизматчилар ва уларнинг оилаларига нисбатан ҳам амал қилади.

Қарор 1988 йилнинг 1 июлидан кучга киритилди.

ЙЎЛДАГИ ХИЗМАТ РИВОЖЛАНТИРИЛСИН

СССР Министрлар Совети «Автомобиль йўлларидаги хизматни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидланишича, йўлдаги хизматни ривожлантириш, автомобиль йўлларида хизмат кўрсатишни кенгайтириш суст суръатлар билан олиб борилмоқда ва ошган талабларга мос келмайди.

Автомобиль йўлларидаги хизматни жадал ривожлантириш, йўл ҳаракати қатнашчиларига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, ҳамда шу асосда пулли хизматлар соҳасини кенгайтириш мақсадида 1988—1991 йилларда РСФСРдаги энг муҳим автомобиль йўлларида хизмат комплексларини қуриш зарур деб топилди.

СССР Министрлар Совети СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигининг ҳамда СССР бир қанча қурилиш министрликларининг мазкур объектларни ўзларига бўйсунувчи ташкилотлар кучи билан барпо этиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.

Йўлдаги хизмат комплексига 80-100 кишилик меҳмонхона, кафе (ошхона), автомобиль ювиш жойи, автомобиль транспорти турадиган ва қўриқланадиган жой ҳамда ёнилғи қуйиш станцияси киради.

Йўлдаги хизмат комплексларини лойиҳалаштирадиган ва қурадиган министрликлар мамлакатимиздаги ва чет эллардаги илғор тажрибадан, янги архитектура-планлаштириш ечимларидан, халқ меъморчилиги анъаналаридан фойдаланадилар. Шу билан бирга мазкур комплексларни истиқболли ривожлантириш имконияти, улардан туризм ва аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун база тарзида фойдаланиш, пулли хизматларни кенгайтириш, медицина ёрдами кўрсатиш имконияти ҳам эътиборга олинади. Комплексларни қуриш чоғида атмосфера ҳавосининг, сув ҳавзалари ва тупроқнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, транспорт шовқинининг таъсир даражасини камайтириш, табиат манзарасини сақлаб қолиш тадбирлари ҳам кўзда тутилиши керак.

Йўлдаги хизмат комплексларини қуриш ва ишлатишни таъминлаш учун зарур моддий-техникавий ресурсларни ажратиш, шу жумладан инженерлик, технология ва бошқа асбоб-ускуналар ажратиб бериш мўлжалланади. Мазкур комплексларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатишга оид ишларни мувофиқлаштириб туриш вазифаси РСФСР Министрлар Советининг зиммасига юклатилади.

Йўлдаги хизмат комплексларини ишлатиш аҳолига хизмат қилишнинг кооператив, ижара, пудрат усулларн ва бошқа илғор усулларини кенг қўлланиб, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида уюштирилади.

СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга ва автоном республикаларнинг Миниетрлар Советларига, РСФСР область ижроия комитетлари ва ўлка ижроия комитетларига ўзларига қарашли ташкилот ва корхоналарнинг йўлдаги хизмат комплекслари самарали ишлаши, пассажирларга ва ҳайдовчиларга намунали хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни яратиб беришда иштирок этишини, шунингдек мазкур комплексларнинг ҳамда уларда жойлашган умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг узлуксиз ишлаши учун озиқ-овқат ва саноат моллариға лимитлар ажратилишини таъминлаш таклиф этилди.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Алоқа министрлигига ва РСФСР Министрлар Советига йўлдаги хизмат комплексларида пассажирларга ва ҳайдовчиларга медицина хизмати кўрсатишни ташкил этиш, улар учун почта-телеграф ва телефон алоқаси хизматини йўлга қўйиш топширилди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИ КОРЖОМА БИЛАН ВА БОШҚА ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига биноан ва ходимларни коржома, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ишида меҳнат коллективларининг мустақиллигини кенгайтириш мақсадида СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС «Меҳнаткашларни коржома, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашни яхшилаш ишида корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда шу нарса белгилаб қўйилдики, СССР Меҳнат ва соцнал масалалар давлат комитети билан ВЦСПС томонидан тасдиқланган типовой нормаларда кўзда тутилган коржома, махсус пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти учун ишчи ва хизматчиларга бепул бериладиган мажбурий минимумдир. Шу билан бирга истеъмолчиларни типовой нормаларга мувофиқ, мазкур шахсий ҳимоя воситалари билан СССР Госснаби томонидан СССР Госснаби территориал органлари орқали улгуржи савдони изчиллик билан ривожлантириш асосида таъминлашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади.

Меҳнат коллективларига социал ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан типовой нормалардан ташқари коржома ва махсус пойабзални (брезентдан, мўйнадан ва қўй терисидан пўстин тарзида тикилган махсус устибошдан ташқари) ишчи ва хизматчиларга бепул бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Бундай ҳолда корхона ва ташкилотлар коржома ва уни тайёрлаш учун газламани, шунингдек махсус пойабзални СССР Госснабининг территориал органлари орқали қўшимча равишда олишлари, уларни тайёрлаш учун енгил саноат, маҳаллий саноат ва бошқа саноат тармоқларининг корхоналарига, кооперативларга буюртмалар беришлари ёки уларни белгиланган тартибда тасдиқланган норматив-техник ҳужжатларга мувофиқ мустақил тайёрлашлари мумкин.

СССР Госснабига корхоналар ва ташкилотларни коржома, махсус пойабзал ва бошқа шахсий муҳофаза воситалари билан таъминлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш таклиф этилди.

СССР министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ва ВЦСПС билан келишиб, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, технология жараёнларини ишга солиш чоғида, янги касблар пайдо бўлганда, шунингдек шахсий муҳофазанинг янада мукаммалроқ воситалари яратилиб, ишлаб чиқарилганда коржома, махсус пойабзал ва бошқа шахсий муҳофаза воситаларини бепул бериш, тармоқ типовой нормаларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилди.

АҲОЛИДАН ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети «Аҳолидан қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни сотиб олишни ташкил этишни яхшилаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда аҳолидан қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни сотиб оладиган салонлар (пунктлар) тармоғини, шунингдек қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик ва маиший буюмлар комиссион савдосини кенгайтириш кўзда тутилади.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига ана шундай савдо тармоғини кенгайтиришда ҳамда мазкур салонлар, пунктлар ва магазинларда аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини оширишда савдо ташкилотларига зарур ёрдам бериш таклиф қилинди. Аҳолидан қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни сотиб олиш билан банд бўлган ходимларнинг малакасини ошириш тадбирлари ҳам белгиланди.

СССР Министрлар Совети, СССР Молия министрлиги, СССР Савдо министрлиги, СССР Давлат банки ва СССР Ташқи иқтисодий банки олдига аҳолидан қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни сотиб олишни тартибга солиб турувчи амалдаги нормативи ҳужжатларни шу йили қайта кўриб чиқиш ва уларни анча соддалаштириш вазифасини қўйди.

СССР олмос фонди кўргазмасининг коллекциясини тўлдириш учун СССР Молия министрлиги ҳузуридаги давлат қимматбаҳо буюмларини сақлаш идорасига музейбоп ва антиқий аҳамиятга эга бўлган бадиий жиҳатдан юксак даражадаги заргарлик буюмларни аҳолидан сотиб олиш ҳуқуқи берилди.

(ТАСС).



Боғот районидаги Жданов номли колхозда ташкил этилган қуюв цехида чўяндан 20 дан зиёд маҳсулотлар тайёрланмоқда. Хом ашё ўрнида турли саноат корхоналарининг чиқиндиларидан фойдаланилаяпти. Колхоз қуювчилари ой сайин 40 минг сўмликдан зиёд турли металл буюмлар ишлаб чиқаришмоқда.

Суратда: участка бошлиғи Болтабой Исмоилов ва қуювчи Бахтиёр Шукуруллаев янги маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

НАСЛЧИЛИК АУКЦИОНИ

БУХОРО. («Совет Узбекистони» мухбиридан). Уч кун давом этган қоракўл ва ҳисори қўйлар наслчилигига бағишланган кўргазмали аукцион ўз ишини тугатди. Унда Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё областлари ҳамда қўшни Туркманистон ССРнинг наслчиликка ихтисослашган совхозлари раҳбарлари, бош мутахассислари ва қоракўлшунос олимлар қатнашдилар.

Кўргазмали аукционда ҳар бир хўжалик ўзи парваришлаган қоракўл ва ҳисори қўйларни намойиш қилди. Республика Давлат агросаноат комитетининг етакчи мутахассислари, олимлари ва илғор наслчилик хўжаликларининг ходимлари қилган докладлар эътибор билан тингланди, ўзаро тажриба алмашилди.

Кўргазмали аукцион охирида наслдор қоракўл ва ҳисори қўйлар конкурси якунланиб, «Нурота», Гагарин номли, «Қарноб» наслчилик хўжаликлари қўйларига совринли ўринлар берилди. Қўйларни бўрдоқига боқиш хўжаликлари ўртасидаги конкурсда эса «Зарафшон», «Ударник» ва «Ғузор» совхозлари маҳсулотлари юқори баҳоланди.

Мусобақа: суръат, сифат, тежам

ҚИСҚА МУДДАТДА

✦ Халил Қаюмов Қашқадарё 1-«Облагропромстрой» трестининг Шаҳрисабздаги хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннасида моҳир бинокор сифатида ҳурмат қозонган. У етакчилик қилаётган бригада айни кунларда келгуси йил ҳисобига ишламоқда. Бригада коллективи ҳар бир ишни тез ва сифатли бажариш соҳасида катта тажрибага эга.

Трестда бундай илғор коллективлар кўплаб топилади. Китоблик Азамат Бомуллаев, косонлик Бахтиёр Орипов бошчилигидаги комплекс бригадаларнинг аъзолари ҳам умумхалқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этиб, объектларни қисқа муддатларда фойдаланишга топширишга муваффақ бўлмоқдалар.

ПИШИҚ-ПУХТА

✦ «Узагропромстройиндустрия» трестининг Гагарин районидаги бинокорлик конструкциялари комбинати меҳнат аҳли ой сайин план ва топшириқларни ошириб бажармоқда. Коллектив Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР га ҳам шу турдаги маҳсулотларни етказиб бераяпти.

— Биз тайёрлаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди илғор бригада бошлиғи А. Возоров.

Комбинат ишчилари модий-техника ресурсларини тежаб-тергаб ишлатишда ҳам кўпчиликка ўрнак кўрсатишаяпти.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«КАЛТАБИНЛИК КАСОФАТИ»

Газетанинг шу йил 5 август сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Қува районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари «Тиодан» номли ўткир химикатлардан заҳарланишгани фактлари очиб ташланган эди.

— Мақолада кўрсатилган барча фактлар тўғри, — дейилади ҚУВА РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда. — Ушбу масала район партия комитети бюроси мажлисида муҳокама қилинди. Заҳарли химикатлардан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйганликлари учун колхоз правленнеси ранси Б. Раҳматовга, бош агроном А. Обидовга, район «Узсельхозхимия» бирлашмаси бошлиғи Х. Исмоиловга, ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси бошлиғи Т. Орзиматовга, 9-бригада бошлиғи М. Мирзалиевга қаттиқ виговор, 8-бригада бошлиғи У. Отабоевга эса виговор берилди.

Колхоз правленнеси йиғилишида эса агроном-энтомолог Х. Аминжонов, химизатор А. Худойберганов, 9-бригада бошлиғи М. Мирзалиевлар вазифасидан бўшатилганлиги ҳисобга олинди. Т. Орзиматов ҳам лавозимидан бўшатилди.

Колхоз правленнеси ва партия комитетига заҳарли химикатлардан тўғри фойдаланиш, техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиш, шу соҳаларда ишловчи мутахассисларнинг масъулиятини ошириш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилди.

Район санитария-эпидемиология станцияси, «Узсельхозхимия» бирлашмаси, ўсимликлар зараркунандаларига қарши кураш штабига бу борада олиб борилаётган ишларни қайтадан кўриб чиқиш ва юқоридаги камчиликларнинг такрорланмаслик чора-тадбирларини белгилаш топширилди.

Район партия комитети хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг диққат-эътиборини заҳарли химикатлардан фойдаланишни камайтиришга ва биологик усулни кенг жорий этишга қаратди.

• Партия турмуши: қарор ва ижро

ШАКЛ ЯНГИ, ЁНДАШУВ-ЧИ?

Кечки пайт Аристанбек уйига шод-хуррам кайфиятда кириб келди.

— Табрикланглар! — хитоб қилди у оила аъзоларига. — Мен — КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиндим.

Ёш механизаторнинг дилидаги қувонч барчанинг кўнглига кўчди. Оила даврасида уни чин дилдан табриклашди. Аристанбек самимий сўзларни эртаси куни ҳамкасбларидан ҳам эшитди.

А. Саидмуҳамедов Мусамуҳамедов номли совхозда механизатор бўлиб ишлаётганига беш йилдан ошди. Меҳнатсевар, тиришқоқ, тўғрисўз йигит ўтган йили партия ташкилотига ариза берганди. Бироқ трактор парки цех партия ташкилоти уни партия аъзолигига кандидатликка қабул қилишга шошилмади.

— Коммунист бўлиш учун меҳнатсеварликнинг ўзи кифоя эмас, — деди унга цех партия ташкилоти секретари В. Нежинский. — Партия аъзоси меҳнатдагина ўрнак бўлиб қолмай, сиёсий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам барчага намуна бўлиши лозим. Сени бир йил синаб кўрамиз. Партия, жамоат ишига жалб қиламиз. Агар топшириқларни ўринлатиб, кўпчиликнинг ишончини оқласанг, биринчи бўлиб ўзим тавсиянома берганим бўлсин.

Аристанбекка агитаторлик вазифаси юклатилди. У бу ишга масъулият билан киришди. Қисқа вақт ичида механизаторлар унинг қизиқарли суҳбатларига ўрганиб қолишди. Агитатор эса кўпчиликни қизиқтирган мавзулар ҳақида тўла маълумот олиш учун кечалари китоб ўқирди, газета-журналлар варақларди. Шу баҳонада ўзининг ҳам билим доираси, маънавий дунёси бойиб бораётганлигини ҳис қиларди.

Хуллас бир йилдан сўнг ёш механизатор партия аъзолигига кандидатликка бир овоздан қабул қилинди.

— «Кейинги бюрогача бир соғувчининг ҳужжатларини тайёрлаб келинг. Зудлик билан комсомол-ёшлардан партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинсин». Райкомдан илгари ана шундай кўрсатмалар олиб турардик, — дейди совхоз партия комитети секретари И. Йўлдошев, — Табиийки, партия сафларининг ўсишига бу хилда аралашув, шошма-шошарлик бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқини чегаралаб қўярди. Оқибатда партия сафига баъзан нолойиқ кишилар ҳам кириб қолди.

Ҳозир райком қабул масаласида бошланғич ташкилотларига тўла эркинлик бериб қўйган. Айниқса партияга қабул қилишнинг икки йиллик системаси жорий этилгач, бу муҳим масалага масъулият билан ёндашилмоқда. Хўжалик партия комитети қошида бўлажак коммунистлар билан ишлаш комиссияси тузилган. Унга 30 йиллик партия стажига эга бўлган кекса коммунист Х. Ҳожибеков раислик қилади. Ушбу комиссия аъзолари партияга кирувчиларнинг ишчанлик ва ахлоқий хислатларини ўрганишга индивидуал ёндашмоқдалар.

Совхоз партия ташкилотининг жанговарлигини оширишда партия йиғилишларида раҳбар кадрлар ҳисоботларини тинглаб боришда, коммунистларни аттестациядан ўтказиш каби партиявий ишнинг янги йўналишлари ҳам яхши самара бераётир. Партия аъзолари йиғилишларда у ёки бу масала юзасидан дадил фикр билдирадиган бўлиб қолишди. Партия йиғилишларининг бирида партия топшириғини сидқидилдан бажармаган Б. Зайнутдинов ва И. Ҳакимовлар партком аъзолигидан чиқарилди. Аттестация комиссиясининг хулосасига кўра ижтимоий активлиги сезилмаётган коммунистларга ҳам принципиал чоралар кўрилмоқда.

Ҳозирги пайтда райондаги 82 та бошланғич партия ташкилотида партияга қабул қилишнинг икки йиллик системасига амал қилинмоқда. Бу иш айниқса «ТашГРЭС», Ильич номли ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Коммунист» колхози ва бошқа партия ташкилотларида яхши йўлга қўйилган. Партияга танлаб олишнинг икки йиллик системаси шартлидир. Агар коллективда кўп йиллардан бери ишлаб обрў-эътибор орттирган кишилар бўлса, уларни уч-тўрт ой ҳар томонлама синаб кўриб, партияга қабул қилавериш мумкин. Тошкент ГРЭСи партия ташкилоти яқинда қарийб 20 йилдан ортиқ шу ерда ишлаб катта ҳаётий ва ишлаб чиқаришга тажрибаси орттирган Б. Шин ва Г. Холодний каби жонкуяр ходимларни узоқ синаб ўтирмасдан КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилди. Бу қарорни станция коммунистларигина эмас, балки барча ишчи-хизматчилар қўллаб-қувватлашди.

Район партия ташкилотларида 71 аттестация комиссияси иш олиб боряпти. Аттестация ҳар бир коммунистнинг аниқ позициясини белгилашга, олға интилишга тўсқинлик қилаётган кўпгина нуқсонларнинг туб сабабларини очиб беришга кўмаклашаяпти. У партия сафларини мустаҳкамлаш ва уни нолойиқ шахслардан халос этишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Аттестациядан 765 коммунистнинг 138 нафари шартли ўтди, 21 киши эса синовдан ўтмади. Партия йиғилишларида ижтимоий-сиёсий аттестациядан қониқарсиз баҳо олган коммунистлар жиддий муҳокама қилинмоқда. Чунончи «Октябрь» колхози партия ташкилоти коммунист Р. Йўлдошев фаолиятига принципиал баҳо берди. У жамоат ишларида ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам пассив иштирок этарди. Устигаустак партия билетини магазинда гаров сифатида қолдирган экан. Колхоз коммунистлари уни бир овоздан партия сафидан ўчирдилар. 3-автобаза омбор мудири В. Никишин ҳам партия аъзолигига нолойиқ, деб топилди. У хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашарди, ичкиликбозликка ружу қўйганди. Умуман аттестация якунлари партия ташкилоти бўйича қабул қилган қарорини бажаришга масъулиятсизлик билан ёндашмоқдалар. «Қизил Ўзбекистон» колхози партия комитети секретари Д. Иноғомов партия ва комсомол органларида кўп йил ишлаб тажриба орттирганлигига қарамай, партия ташкилотининг жанговарлигини оширишга интилмаётир. Салкам икки йил мобайнида бу партия ташкилотида ҳеч ким КПСС сафига қабул қилинмади. Ленин номли колхоз партия ташкилотида (секретари З. Раҳаббоев) ҳам партиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, Оржоникидзе номли совхоз партия комитети секретари Э. Мирсоатов ҳам партиявий ишдан кўра кўпроқ хўжалик ишлари билан шуғулланишни маъқул кўради.

Айрим партия ташкилотларида эса партияга қабул қилишда ҳамон шошмашошарликка йўл қўйилмоқда. Уй-рўзғор асбоблари фабрикасида шундай воқеа содир бўлди. Партия аъзолигига кандидат А. Муҳамедованинг КПСС сафига ўтиши даврида эри ва ота-онаси монелик қилди. Ҳолбуки, Муҳамедова комсомолда тарбияланган, цех комсомол ташкилоти секретари сифатида фаол иш олиб борган эди. Бу ҳол бошланғич партия ташкилотида партия сафига танлаб олинаётган номзоднинг ижтимоий-сиёсий тушунчаси, оилавий турмуши чуқур ўрганилмаётганлигидан далолатдир.

Райондаги биронта партия ташкилотида «Кандидатлик стажи» стенди ташкил қилинмаган. Ваҳолонки, шундай стендлар ташкил қилиниб, уларга партия аъзолигига кандидатларнинг суратлари, иш фаолиятлари ҳақидаги ахборотлар қўйилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

КПСС Марказий Комитети қарорида таъкидланганидек, коммунистларнинг, аввало партияга янги қабул қилинганларнинг ғоявий-ахлоқий тарбияси партия ташкилотларининг доимий ғамхўрлик кўрсатадиган соҳаси бўлиши керак. Районда идеология ишларини қайта қуришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Марксча-ленинча таълим системасида янги эксперимент қўлланилмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, партия ўқуви шохобчаларида лекцияларни олий ўқув юртларининг жамиятшунос олимлари ўқимоқдалар. Амалий машғулотлар эса маҳаллий пропагандистлар кучи билан ўтказилмоқда. Район комсомол комитети қошида бўлажак коммунистлар мактаби ишлаб турибди. Бироқ айрим партия ташкилотларида сиёсий ўқувнинг аҳамиятига тўлиқ тушуниб етилмаяпти. Ленин номли, «Қизил Ўзбекистон» колхозлари, 3-автобаза, автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси, «УзГЭС», «ТашГРЭС», район санитария эпидемология станцияси каби коллективларда ўқув машғулотлари мунтазам ўтказилмади. «Правда» колхозида ўтган йили ўқув планидаги машғулотнинг фақат биттаси, Оржоникидзе номли совхозда эса учтаси бўлиб ўтди, холос. Ўтган бир ярим йил ичида жиноий хатти-ҳаракати, аҳлоқий бузуқлиги, хизмат лавозимини суиистеъмол қилганлиги учун ўн КПСС аъзоси ва йигирма бир партия аъзолигига кандидат партия сафидан чиқарилди. Мана шу ҳодисаларнинг ўзиёқ коммунистлар орасида олиб борилаётган идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар савияси талаб даражасида эмаслигини кўрсатади. Баъзи партия ташкилотларида ёш коммунистлар ва партия аъзолигига кандидатларнинг ҳисоботларини тинглаб бориш практикаси қўлланилмаётир. Кўпгина кандидатлар партия ёки жамоат топшириғига эга эмас. Жойларда пенсияга чиққан коммунистлар билан партия ташкилотларининг алоқаси узилиб қолган. Уларнинг катта ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбиясида фойдаланилмаяпти.

Район хўжаликларида район партия комитети ходимларидан ташқари обком вакиллари ҳам тез-тез бўлиб туришади. Бироқ ҳозирча партия қуйи ташкилотлари фаолиятини активлаштиришда уларнинг ёрдами яхши сезилмаяпти. Партияга танлаб олишда масъулиятни ошириш, коммунистларнинг ғоявий-сиёсий ва маънавий савиясини ўстириш қайта қуриш даврининг энг муҳим шартидир. Бу борада партиявий ишнинг янги ва таъсирчан шакл ва услубларини ахтариш, улардан дадил фойдаланиш лозим. Ҳозирча Оржоникидзе район партия ташкилотлари фаолиятида янги шаклга эскича ёндашилмоқда.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
«Совет Ўзбекитони» махсус мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ВЕНГРИЯ

Экология соҳасидаги олимлар ва мутахассислар ҳозир Венгриянинг Тата шаҳри яқинидаги Балатон кўлининг қадимий кўркамлигини сақлаб қолиш вазифасини ҳал қилмоқдалар. Қабул қилинган программага мувофиқ бу мақсадга 1990 йилгача бир ярим миллиард форинтдан кўпроқ пул ажратилади. Бу кўркам табиий сув ҳавзасини сақлаб қолиш юзасидан самарали чоралар кўриш бир неча йиллардан буён кун тартибида турибди. Лекин конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш учун кўп вақт кетди. Венгриялик мутахассислар шошма-шошарлик ва пухта ўйланмаган қарорларни қабул қилиш атроф муҳитга катта зарар етказиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

«Агрозет» ишлаб чиқариш бирлашмаси Чехословакиядаги кооператив ва давлат хўжаликларини янги техника ҳамда асбоблар билан таъминлашдан ташқари ишлатилган қишлоқ хўжалик машиналари ва механизмларини сотишни ҳам ўз зиммасига олди. Техника комиссион асосларда сотилмоқда. «Агрозет» ўз хизматлари учун савдодан тушган пулнинг 3 процентини оладн. Корхоналар хўжалик ҳисобига ўтиш шароитида даромад келтирмайдиган ортиқча машиналардан қутулишга ҳаракат қилмоқдалар. Харидорлар эса кўп: ишлатилган эски машина ва механизмларни кооператив хўжаликлари, боғдорчилик ширкатларининг аъзолари, қишлоқда якка тартибда меҳнат қилувчи одамлар сотиб олмоқдалар.

ЮГОСЛАВИЯ

«Жаҳон славяншуносларининг йиғилиши— катта илмий ва маданий воқеагина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқлар ўртасидаги самимий дўстлик, яхши ният ва маданиятларимизнинг туташлиги белгисидир». Югославия пойтахтида славяншунослар анъанавий халқаро учрашувига бағишланган тантаналар ана шу сўзлар билан очилди.

Славяншуносларнинг учрашуви Белград, Приштина ва Нови-Сада шаҳарларида ўтади. Йигирма кун давомида тарих, адабиёт, маданият ва серб-хорват тили хусусида кўплаб лекциялар ўқилади. Учрашув қатнашчилари учун Сербия бўйлаб илмий-ўрганиш сафари кўзда тутилган.

(ТАСС).

АФҒОНИСТОН:

Фазокорлар шарафига

Шу кунларда Кобул ҳамда Афғонистоннинг бошқа шаҳарларидаги кўпгина корхоналарда ва давлат муассасаларида ўтаётган митинг ва йиғилишлар Совет — Афғонистон қўшма космик парвозига бағишланган.

«Қизил Ярим ой» ташкилоти, маориф министрлиги, Кобул муниципалитети ходимлари, Афғонистон пойтахтидаги лицейларнинг ўқувчилари Афғонистон Республикаси экономикасини ривожлантиришда, СССР билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда бу парвознинг аҳамиятига юксак баҳо бердилар.

Савдо ва саноат доираларининг кўпгина намояндалари Афғонистоннинг табиат ресурсларини ўрганишда космик парвоз катта иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар. Жамоатчилик космик парвоз Афғонистоннинг халқаро обрўсини кучайтиришга, ички сиёсий вазиятни яхшилашга ижобий таъсир қилади, деган фикрни билдирмоқда.

(ТАСС).



● *Жаҳоннинг оловли нуқталари*

ҚЎЗҒОЛОН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Босиб олинган ерлардаги фаластинлик араб халқи исроиллик босқинчиларга қарши уюштирилган қўзғолон (суратда қўлга тош олган фаластинлик аёл) кўтарган пайтдан бери орадан 9 ой вақт ўтди. ВАФА агентлигининг хабар қилишича, қўзғолоннинг бирлашган раҳбарияти шу муносабат билан БМТга ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат этиб, Исроил ҳарбийларининг босиб олинган ерлардаги аҳолига қарши ёвузликларига чек қўйиш, бу ерларни оғирлаштирувчи ҳаволни тинч бартараф этишга бағишланган халқаро конференция чақирилгунча бўлган бутун давр мобайнида БМТ маъмурияти назорати остига олиш учун қатъий чоралар кўришга ўтиниб даъват қилди.

МЕНА агентлигининг хабар беришича, Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторидаги барча шаҳарлар ва аҳоли пунктларида фаластинликларнинг Исроил оккупациясига қарши оммавий намойишлари бўлди, сионист жазо отрядлари аъзолари намойишчиларга қарата автоматдан ўқ уздилар, кўздан ёш оқизадиган гранаталар улоқтирдилар, калтак ва қўндоқларни ишга солдилар.

(ТАСС).

ПОКИСТОН:

ЗИЁУЛ ҲАҚНИНГ ҲАЛОКАТИ ТЎҒРИСИДА

Покистоннинг собиқ президенти генерал Муҳаммад Зиёул Ҳақнинг авиация ҳалокатида ҳалок бўлиши тафсилоти тўғрисидаги доклад умуман эълон қилинмаслиги мумкин, чунки унда «миллий манфаатларга зид келадиган» маълумотлар бўлиши мумкин.

Покистоннинг мудофаа, давлат ишлари ва чегара районлари ишлари министри Маҳмуд Хорун парламентнинг юқори палатаси — сенатда сўзлаган нутқида шу ҳақда гапирди.

Маҳаллий кузатувчилар министрнинг бу баёнотини Зиёул Ҳақ ички фитна натижасида ҳалок бўлганлиги эҳтимоли борлигини билвосита тан олиш, деб баҳолади-лар. Равалпинди яқинидаги Чаклала ҳарбий-ҳаво базасида 9 нафар ҳарбий хизматчи қамоққа олингани ҳам ана шундан далолат беради. «Жанг» газетасининг хабар қилишига қараганда, «аварияга учраган президент самолёти парвози тафсилотлари батафсил ўрганилганидан кейин» шундай қилинган. Бироқ Покистон мудофаа министри газетанинг бу хабарини рад этиб, улар кўрсатма бериш учун комиссияга чақирилган эди, лекин қамоққа олинмаган, деди.

Бу ерга келаётган хабарларга қараганда, Зиёул Ҳақ ҳамда унинг ҳамроҳлари ҳалокати тафсилотларини текширишда қатнашаётган Америка ва Покистон экспертлари шу йилнинг 17 августида С—130 «Геркулес» транспорт самолёти ичида нима юз бергани ҳақида шу вақтгача бир фикрга келганлари йўқ. Бу иш юзасидан тергов давом этмоқда. Ҳалокат юз берган райондан топилган самолёт парчаларининг бир қисми лабораторияларда шароитида ўрганиш учун АҚШга жўнатилган. (ТАСС).

ФИЛИППИН:

ТАҲЛИКАЛИ ҲАФТАЛАР

Филиппиндаги балиқчилар яшайдиган Маталбис қишлоғининг аҳолиси икки ҳафтадан кўпроқ вақт таҳлика остида яшади. 17 август куни Америка самолёти йирик ҳарбий-ҳаво машқлари чоғида «йўқотиб қўйган» ва портлатмай қолган, одамлар яшайдиган уйдан уч метр нарида ерни ўйиб кириб кетган бомба фақат 4 сентябрда, Кларкфилд ҳарбий ҳаво базасидан бир гуруҳ америкалик экспертлар қишлоққа келгандан кейингина қазиб олинди.

Бутун бир район аҳолиси тасодиф туфайлигина жиддий ҳалокатдан омон қолди. Бомба тушган жойдан атиги 100 метрча нарида иккита винтни қайтариб қўйди. Масалан, Си-би-эс телеянгиликларини олиб борувчи Чарльз Куралт тингловчиларга «матбуот конференциясини адвокат худди Америка руҳида, суд биносига кираверишдаги зинада ўтказганлигини», у ҳимоя қилаётган одамни бир вақтлар кимлар биландир қариндош бўлгани учун эмас, балки қилмишлари учун суд қилишлари лозимлигини айтганлигини уқтирди.

Шундай қилиб суд СССР Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи Т. Х. Гдлян имзолаган, СССР Бош прокурорининг ўринбосари А. Ф. Катусев тасдиқлаган айбномани ўқишни тугаллади.

Суд зали аудиториясини кенгайтириш учун газетхонларни судда эълон қилинган фактлар билан таништиришга ҳақлимиз, деб ҳисоблаймиз. Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси БХСС бўлимининг бошлиғи А. Музаффаров 1983 йилнинг апрелида минг сўм пора олаётган вақтида қўлга тушган эди. Дастлабки тергов ишларини амалга ошириш вақтида олинган материаллар область ички ишлар, савдо ва таъминот органларида порахўрлик мавжудлигидан далолат берди, шу муносабат билан 1983 йил 1 сентябрда дастлабки терговни олиб бориш учун ишни СССР прокуратураси ўз қўлига олди. Терговни давом эттириш жараёнида республиканинг, жумладан Ички ишлар министрлигининг кўпгина раҳбар ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди ва қамоққа олинди.

Тергов Ўзбекистоннинг бир қанча областларида очиқдан-очиқ таъмагирлик вазияти вужудга келган, бундай вазиятда планлаштириш, таъминот масалаларининг ҳал қилиниши, кадрларни бир жойдан иккинчи жойга қўйиш, пора беришга боғлиқ бўлган, деб ҳисоблайди.

Кўпгина мансабдор кишилар республика, область ва район раҳбарларининг мадади ва ҳомийлигига эришиш учун шундай қилганлар ва ўз навбатида хизмат соҳасида ўзларига бўйсунувчи кишилардан пора олиб, уларни жиноий фаолиятга тортганлар. Шундай қилиб, турли даража ва тоифадаги кўпгина раҳбарлар порахўрлик, ўғирлик, қўшиб ёзиш ва бошқа ғаразли жиноятлар ботқоғига ботганлар. Муносабатларнинг бундай системаси ҳаром йўл билан топилган жуда катта бойликка эга бўлган кимсаларнинг ҳамда ҳокимиятга эга бўлган раҳбар ходимларнинг жиноий тил топишларига олиб келган.

Дастлабки тергов давомида порахўрликнинг энг характерли турлари аниқланди: булар иш юзасидан ўз паноҳига олиб, мадад берганлик учун, лавозимга тайинлаганлик ёки хизмат мансабини оширганлик учун, қонун бузувчиларга йўл қўйиб берганлик ва тегишли чора кўрмаганлик учун пора беришдир. Эгаллаб турган лавозимидан четлаштириш хавфи туғилганда, фонддан ташқари материалларни олишга рухсат берганлик учун, обрўга путур етказадиган материалларни яширганлик учун ёки текширилаётган материал юзасидан пора берувчига мақбул хулоса берганлиги учун пора тутқазганлар. Вақти-вақти билан муайян миқдорда тўланадиган пора-солиқлар ҳам бўлган. Республикада раҳбарликнинг буйруқбозлик — маъмуриятчилик услуби ўрнатилганлиги салбий ҳодисаларнинг ривожланишига кўмаклашди. Айни шу даврда шахсга сиғиниш, дабдабабозлик, камчиликларни яшириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш принципини бузиш ҳоллари қарор топди.

Ўзбекистондаги уюшган жиноий группалар фақат экономика ва кадрлар соҳасигагина эмас, балки идеология ва ахлоқ каби соҳаларга ҳам путур етказди.

Ғаразли жиноятга тортилган мансабдор кишиларнинг сонигина эмас, шу билан бирга улардан тортиб олинган миллион-миллион сўмлик бойликлар ҳам турли идораларда кадрларнинг бузилиши кўламларидан далолат беради. Чунончи, Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг собиқ биринчи секретари А. К. Каримовдан 6 миллион сўмлик, Бухоро область ижроия комитети БХСС бўлимининг бошлиғи А. Музаффаровдан — 1,5 миллион сўмликдан кўпроқ, Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси идорасининг директори Ш. Қудратовдан — 4,5 миллион сўмлик бойлик тортиб олинди.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноий жавобгарликка тортилган раҳбар ходимлари айни пайтда жиноий группаларнинг актив аъзолари эдилар. Улар дастлабки тергов вақтида барча муҳим масалалар юзасидан батафсил кўрсатма бердилар. Улар қилмишларига пушаймон бўлдилар, ташкилий жиноятчилик қандай вужудга келганлигини очиб бердилар, салбий ҳодисаларнинг тарқалишига кўмаклашган айрим шахсларнинг фаолиятига танқидий баҳо бердилар.

...Қора курсида ўтирган кишилар ночор кўринади. Чурбановнинг ранги ўчган, кўзлари хиралашгандек, суд раисининг саволларига ҳарбийчасига аниқ жавоб беришга қийналяпти, судга дўппи кийиб келган Яҳёев эса генерал-лейтенант погони ўрнатилган кителисиз анча кекса кўринади. Бегельманнинг кўзлари қизариб кетган, уялганидан тез-тез ерга қарайди.

Қора курси... унда Ўзбекистоннинг собиқ ички ишлар министри Эргашев, республика ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари Давидовлар йўқ. Улар ўзларини ўзлари ўлдиришди, шу муносабат билан уларга нисбатан жиноий иш тўхтатилди.

Айбномани ўқиш тугади.

СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг мажлисида раислик қилувчи юстиция генерал-майори М. А. Маров қонунга мувофиқ судланувчиларга анъанавий савол беради:

«айбнома тушунарлими? Ўзингизни айбдор ҳисоблайсизми?».

П. Б. Бегельман пора олиш ва беришда ўзини тўла айбдор, деб тан олди. Ҳ. Ҳ. Яҳёев билан Т. Х. Қаҳрамонов айбномани тўла рад этдилар, Ю. М. Чурбанов хизмат мавқеини суиистеъмол қилишдаги айбини тан олди. С. З. Собиров, Ж. Ж. Жамолов, Х. Норбўтаев, Ё. Маҳамаджонов, М. С. Норов қўйилган айбларни қисман тан олдилар.

Суд далилларни текширишга киришди.

В. ИТКИН,
ТАСС махсус мухбири.

● *СССР Олий судида*

АЙБЛОВ ХУЛОСАСИ ЎҚИБ ЭШИТТИРИЛДИ

Қора курсида ўтирган одамлар ночор кўринади. СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси ҳозир суд қилаётган кишиларнинг қисмати ҳам шундай. Залдан ўсиқ билан ажратилган узун камейкада Ички ишлар министрлигининг тўққиз нафар собиқ ходими ўтирибди, улар собиқ партия аъзолари, олий маълумотли кишилар, ўртача ёши 55 га тўғри келади. Улар ёнма-ён ўтиришибди. Залдан қараганда, чап томондан энг четда — Чурбанов, ўнг томондан энг четда Яҳёев ўтирибди.

Суд жараёни очилиши ҳақидаги хабаримизда биз уларнинг номини алфавит тартибида келтириб ўтган эдик, бугун эса судга тақдим этилган айбномада қандай тартибда келтирилган бўлса, худди шу тартибда айтиб ўтамиз. Яна такрор айтамизки, уларнинг ҳаммаси ҳозир собиқ ходимлар: СССР ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ю. М. Чурбанов, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри Ҳ. Ҳ. Яҳёев, Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг ўринбосарлари Т. Х. Қаҳрамонов ва П. Б. Бегельман, Хоразм область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи С. З. Собиров, Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Ж. Ж. Жамолов, Қашқадарё область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Х. Норбўтаев, Наманган область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Ё. Маҳамаджонов, Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи М. С. Норов.

Суд зали одамлар билан тўла. Айбнома ўқиб эшиттирилмай туриб, суд терговининг протокол қисмида адвокатлар бир қанча илтимосларни ўртага қўйдилар, суд бу илтимослардан баъзиларини қабул қилди, бошқаларини рад этди. Судланувчилар ҳам ўзларига берилган ҳуқуқдан фойдаланиб, ўз талабларини айтдилар.

Суд мажлиси танаффуси вақтида ҳуқуқий мавзуда ёзадиган таниқли совет журналистлари бир ойдан ҳам кўпроқ давом этадиган суд иши осон бўлмайди, деган тахминни айтдилар. Юзтадан кўпроқ томда қайд этилган барча эпизодларни икир-чикиригача текшириб чиқиш, юзлаб фактларни таҳлил қилиш, 500 дан ортиқ гувоҳларнинг гапларини эшитиш, кўп сонли ҳужжатлар билан танишиб чиқиш лозим. Ҳозир қора курсида ўтирган одамларнинг айби даражасини суд ва фақат судниг ўзи тадқиқ этади ва уларнинг айби қанчалик оғирлигини белгилаб беради.

Москвадаги бу суд процесси тўғрисида ғарб матбуотида ёзилган мақолалар, телевидение орқали берилган шарҳлар кишини ҳайратга солади. У ерда газетхонлар ва тингловчиларга Москвадаги жиноий суд процесси гўё «сиёсий» тус олмоқда, деб ишонтиришга уринмоқдалар.

Шов-шув ҳақиқатдан шов-шув бўлиши керак, нима бўлса ҳам уни тўқиб чиқариш лозим. Шу сабабли ҳозир архивда ётган «қозолар», ўтмиш йилларининг фотосуратлар ва фотомонтажлари ишга солинмоқда. Бироқ Чурбановнинг адвокати Андрей Макаров ўтказган матбуот конференцияси ҳамкасбларимизнинг шаштини қайтариб қўйди. Масалан, Си-би-эс телеянгиликларини олиб борувчи Чарльз Куралт тингловчиларга «матбуот конференциясини адвокат худди Америка руҳида, суд биносига кираверишдаги зинада ўтказганлигини», у ҳимоя қилаётган одамни бир вақтлар кимлар биландир қариндош бўлгани учун эмас, балки қилмишлари учун суд қилишлари лозимлигини айтганлигини уқтирди.

Шундай қилиб суд СССР Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи Т. Х. Гдлян имзолаган, СССР Бош прокурорининг ўринбосари А. Ф. Катусев тасдиқлаган айбномани ўқишни тугаллади.

Суд зали аудиториясини кенгайтириш учун газетхонларни судда эълон қилинган фактлар билан таништиришга ҳақлимиз, деб ҳисоблаймиз. Бухоро область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси БХСС бўлимининг бошлиғи А. Музаффаров 1983 йилнинг апрелида минг сўм пора олаётган вақтида қўлга тушган эди. Дастлабки тергов ишларини амалга ошириш вақтида олинган материаллар область ички ишлар, савдо ва таъминот органларида порахўрлик мавжудлигидан далолат берди, шу муносабат билан 1983 йил 1 сентябрда дастлабки терговни олиб бориш учун ишни СССР прокуратураси ўз қўлига олди. Терговни давом эттириш жараёнида республиканинг, жумладан Ички ишлар министрлигининг кўпгина раҳбар ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди ва қамоққа олинди.

Тергов Ўзбекистоннинг бир қанча областларида очиқдан-очиқ таъмагирлик вазияти вужудга келган, бундай вазиятда планлаштириш, таъминот масалаларининг ҳал қилиниши, кадрларни бир жойдан иккинчи жойга қўйиш, пора беришга боғлиқ бўлган, деб ҳисоблайди.

Кўпгина мансабдор кишилар республика, область ва район раҳбарларининг мадади ва ҳомийлигига эришиш учун шундай қилганлар ва ўз навбатида хизмат соҳасида ўзларига бўйсунувчи кишилардан пора олиб, уларни жиноий фаолиятга тортганлар. Шундай қилиб, турли даража ва тоифадаги кўпгина раҳбарлар порахўрлик, ўғирлик, қўшиб ёзиш ва бошқа ғаразли жиноятлар ботқоғига ботганлар. Муносабатларнинг бундай системаси ҳаром йўл билан топилган жуда катта бойликка эга бўлган кимсаларнинг ҳамда ҳокимиятга эга бўлган раҳбар ходимларнинг жиноий тил топишларига олиб келган.

Дастлабки тергов давомида порахўрликнинг энг характерли турлари аниқланди: булар иш юзасидан ўз паноҳига олиб, мадад берганлик учун, лавозимга тайинлаганлик ёки хизмат мансабини оширганлик учун, қонун бузувчиларга йўл қўйиб берганлик ва тегишли чора кўрмаганлик учун пора беришдир. Эгаллаб турган лавозимидан четлаштириш хавфи туғилганда, фонддан ташқари материалларни олишга рухсат берганлик учун, обрўга путур етказадиган материалларни яширганлик учун ёки текширилаётган материал юзасидан пора берувчига мақбул хулоса берганлиги учун пора тутқазганлар. Вақти-вақти билан муайян миқдорда тўланадиган пора-солиқлар ҳам бўлган. Республикада раҳбарликнинг буйруқбозлик — маъмуриятчилик услуби ўрнатилганлиги салбий ҳодисаларнинг ривожланишига кўмаклашди. Айни шу даврда шахсга сиғиниш, дабдабабозлик, камчиликларни яшириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш принципини бузиш ҳоллари қарор топди.

Ўзбекистондаги уюшган жиноий группалар фақат экономика ва кадрлар соҳасигагина эмас, балки идеология ва ахлоқ каби соҳаларга ҳам путур етказди.

Ғаразли жиноятга тортилган мансабдор кишиларнинг сонигина эмас, шу билан бирга улардан тортиб олинган миллион-миллион сўмлик бойликлар ҳам турли идораларда кадрларнинг бузилиши кўламларидан далолат беради. Чунончи, Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг собиқ биринчи секретари А. К. Каримовдан 6 миллион сўмлик, Бухоро область ижроия комитети БХСС бўлимининг бошлиғи А. Музаффаровдан — 1,5 миллион сўмликдан кўпроқ, Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси идорасининг директори Ш. Қудратовдан — 4,5 миллион сўмлик бойлик тортиб олинди.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноий жавобгарликка тортилган раҳбар ходимлари айни пайтда жиноий группаларнинг актив аъзолари эдилар. Улар дастлабки тергов вақтида барча муҳим масалалар юзасидан батафсил кўрсатма бердилар. Улар қилмишларига пушаймон бўлдилар, ташкилий жиноятчилик қандай вужудга келганлигини очиб бердилар, салбий ҳодисаларнинг тарқалишига кўмаклашган айрим шахсларнинг фаолиятига танқидий баҳо бердилар.

...Қора курсида ўтирган кишилар ночор кўринади. Чурбановнинг ранги ўчган, кўзлари хиралашгандек, суд раисининг саволларига ҳарбийчасига аниқ жавоб беришга қийналяпти, судга дўппи кийиб келган Яҳёев эса генерал-лейтенант погони ўрнатилган кителисиз анча кекса кўринади. Бегельманнинг кўзлари қизариб кетган, уялганидан тез-тез ерга қарайди.

Қора курси... унда Ўзбекистоннинг собиқ ички ишлар министри Эргашев, республика ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари Давидовлар йўқ. Улар ўзларини ўзлари ўлдиришди, шу муносабат билан уларга нисбатан жиноий иш тўхтатилди.

Айбномани ўқиш тугади.

СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг мажлисида раислик қилувчи юстиция генерал-майори М. А. Маров қонунга мувофиқ судланувчиларга анъанавий савол беради:

«айбнома тушунарлими? Ўзингизни айбдор ҳисоблайсизми?».

П. Б. Бегельман пора олиш ва беришда ўзини тўла айбдор, деб тан олди. Ҳ. Ҳ. Яҳёев билан Т. Х. Қаҳрамонов айбномани тўла рад этдилар, Ю. М. Чурбанов хизмат мавқеини суиистеъмол қилишдаги айбини тан олди. С. З. Собиров, Ж. Ж. Жамолов, Х. Норбўтаев, Ё. Маҳамаджонов, М. С. Норов қўйилган айбларни қисман тан олдилар.

Суд далилларни текширишга киришди.

В. ИТКИН,
ТАСС махсус мухбири.



● *Ўзбекистон ва жаҳон*

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ажойиб гелиосейсмометр француз ва совет олимларининг Қуёш ядросига дастлабки «қадам»ларини қайд этди. Белдерсой дарасидаги Кумбель тоғида барпо этилган янги станция «ИРИС» халқаро программаси бўйича тадқиқотларга қўшилди.

— «ИРИС» доирасидаги ҳамкорлик бизга долзарб илмий проблемаларни ҳал этишда қатнашиш имкониятини бераётир, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Астрономия институти директори Т. Йўлдошбоев. — Мазкур программа жуда қизиқарли ва истиқболлидир. Гелиосейсмология ёрдамида Қуёш ядросига кириб бориш — бу юлдузлар тузилиши, уларнинг эволюциясини билиш йўлида аниқ-равшан имконият очади. 6 та станция Ер курраси бўйича қурилиши мўлжалланган. Кумбелдаги станция уларнинг учинчисидир. Калифорния ва Чилида гелиосейсмометрлар ишламоқда. Марокаш, Австралия ва Хитойда навбатдаги станциялар қурилди.

«ИРИС» программасида бизнинг мамлакатимиздан СССР Фанлар академиясининг Ядро тадқиқотлари институти мутахассислари иштирок этишмоқда. Бу группага академик Г. Т. Зацепин етакчилик қилади.

— Кумбелда ўтказилган 18 кун менинг хотирамда ҳамиша сақланиб қолади,—дейди Ницца университети профессори Эрик Фосса. — Бундай станциянинг яратилиши бутун инсоният тараққиёти йўлида халқаро ҳамкорликнинг ёрқин мисолидир. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимнинг қаҳрамонона меҳнатидан мамнунман. Биз илгарилари асбоб-жиҳозларни ишлаб турган обсерваторияларда ўрнатаган бўлсак, бу ерда ишни дебочадан бошладик. Станцияни бирга қурдик, ускуналарни бирга ўрнатдик. Ҳамкасб дўстларим — Жерар Грек ва Жан-Франсуа Маниго менгача Кумбелда бўлишган. Улар Астрономия институтининг ходими Шуҳрат Эгамбердиев ёрдамида ўтган йили Ницца университети лабораториясида магнит спектрофотометри (бошқача айтганда гелиосейсмометр)ни йиғишди.

...Ниҳоят кувончли воқеа содир бўлди — дастлабки натижалар олинди. Кассетага ёзилган натижалар қайта ишлаш учун Ниццага жўнатилади. Тошкентлик астрономлар уларнинг нусхасини олишади.

Қуёш қаърида содир бўлаётган жараёнларни ўрганиш бўйича ҳамкорлик ишлари давом этмоқда.

СУРАТДА: профессор Эрик Фосса гелиосейсмометрни ўрнатмоқда.

С. Величкин фотоси. (ЎзТАГ).

ЭРОН:

ҲУМАЙНИЙ МАКТУБИ

Эрон Ислом Республикасининг раҳбари Оятулло Ҳумайний бош министр Мусавийга мактуб йўллаб, уни ҳукумат бошлиғи вазифасини бажаришни давом эттиришга чақирди.

ИРНА агентлигини ҳабар қилишича, мактубда бош министрнинг истеъфоси Ҳумайний учун «кутилмаган иш» бўлганлиги, Мусавий бу ҳақда уни шахсан ўзи олдидан огоҳлантириши лозимлиги таъкидланган. «Ҳозир истеъфо тўғрисидаги шикоятлар ва аризалар билан чиқадиган вақт эмас», — деди Ҳумайний. У шахсан учрашув чоғида бош министрга зарур йўл-йўриқ кўрсатишга ваъда берди.

(ТАСС).

ХИТОЙ:

НУФУС ПРОБЛЕМАСИ

Таниқли Хитой олими У Миньюйнинг айтишича қараганда, ҳозирги вақтда мамлакатда аҳоли сони тез кўпаяётгани сабабли 2000 йилга бориб ХХР аҳолиси тахминан 1.28 миллиард кишига етади. Янги Хитой тарихида учинчи марта юз бераётган туғилишнинг кўпайиши 1990 йилларнинг ўртасигача давом этиши кутилмоқда. Олимнинг гапларига қараганда, демография муаммоси иш билан таъминлаш ва маориф, уй-жойни тақсимлаш каби соҳаларда анча қийинчиликларни келтириб чиқаради, бошқа соҳаларга салбий таъсир қилади.

Туғилишни планлаштириш сиёсатини такомиллаштириш, давлатнинг «ҳар бир оилада битта бола бўлсин» деган кўрсатмасини амалга оширишнинг таъсирчан йўлларини қидириш Хитой раҳбарлари фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Туғилишни астасекин «пудрат усулига ўтказиш» бу соҳадаги янгиликлардан биридир. Бу усулда ёлғиз киши ўзи ишлаётган корхона ёки истиқомат жойида махсус шартнома тузиб, битгадан ортиқ фарзанд кўрмаслик мажбуриятини олади.

Бу ҳужжатда кичкинтойнинг тахминан дунёга келадиган даври, бошқа бир қанча шароитлар кўрсатилади. Майда миллатлар намояндалари, аҳолиси кам олис районда яшовчилар, баъзи бошқа алоҳида ҳоллар бундан мустасно этилади. Мажбурият бажарилган тақдирда корхона маъмурияти ёки маҳаллий маъмурлар ёш онага бир қанча имтиёзлар берадилар. (ТАСС).

Ранг-баранг олам

ЧЕКИШ — АВАРИЯ САБАБЧИСИ

Америкалик врачлар автомобилда чекиш тақиқланишини талаб этишмоқда. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, машинада чекилса ҳайдовчи реакцияси пасаяр экан. Машинада ҳайдовчилар чекмайдиганларга қараганда йўл-транспорт ҳодисасига икки ярим марта кўп учрайдилар. Шунинг учун чекиш ёки чекмасликни жиддий ўйлаб кўриш керак.

«ИЛТИФОТЛИ» ТЕЛЕВИЗОР

Япониянинг «Тосиба» фирмаси ғаройиб телевизорни ишлаб чиқара бошлади. Янги модель электрон «мия» ва махсус нутқ синтезатори билан жиҳозланган. Эрталаб, телевизор қўйилган чоғда, «зиёли» телевизор «хайрли эрта», деб сизга истак билдиради. Зарурат туғилганда у томошабинни огоҳлантиради. Телекўрсатувлар тугагач, телевизорнинг ўзи ўчади, бунда у илтифот билан хайрли тун тилайди.

ҚУШЛАР АЙБДОР ЭМАС

Бавариядаги кичик шаҳар — Траунштанг аҳолиси яқинда қарғаларнинг ғалати ҳаракатларни кузатди. Қушлар ғаласи уйларнинг деразаларига жон-жаҳди билан урилиб, уларни синдирди. Олимлар тахминича бундай агрессивлик сабаби — маҳаллий лак буёқ фабрикасининг айби билан атроф-муҳит заҳарли химиявий бирикмалар билан заҳарланганлигидир.

«КЕЧИРАСИЗ, ҚИЗ КЎРДИНГИЗ...»

Иорданиялик Насбиллоҳ Жеди ўғил, меросхўр кўришни жуда орзу қилардн... Хўш, ана шу мураккаб бўлган фарзанд кўриш масаласида адашмаслик учун нима қилиш керак. Шунинг учун у каромагичга мурожаат эди. Бироқ бундай маълумот олиш учун катта ҳақ тўлаш керак. Шу сабабли у ўзининг ягона мулки — автомобиллар прокати идорасини сотди. Лекин бахтига тахмин умидли эди. Каромагичи ўғил туғилиши ва у катта бўлганида буюк киши бўлишини айтди. Белгиланган муддат ҳам ўтди ва Жединнинг хотини эсон-омон... қиз кўрди. Пул эса афсуски қайтарилмайди.

НАСРИДДИН ХОТИРАСИ

Туркияда ҳазилкаш файласуф Хўжа Насриддиннинг туғилган куни тантаналн нишонланди. Шарқдаги барча халқлар уни ўз ўртдошларн, деб ҳисоблайдилар. Дарвоқе, олимлар тасдиқлашича, Насриддин деган киши XII асрда яшаган экан. 1284 йилда Насриддин вафотидан сўнг, унинг кувноқ латифалари бутун жаҳонга ёйилган. 1676 йилда Мехмет Катиб уларни биринчи бўлиб тўпладн. Ушандан буён кувноқ донишманд саргузаштлари ҳақидаги китоблар барча мамлакатларда нашр этилмоқда.

ПОЕЗДДА... КЎЧМА КУТУБХОНА

Австрия темир йўли кўчма кутубхонага ўхшаш кутубхонани ташкил этди. У ҳафтасига икки марта Вена-Амштетин поездида қатновчи йўловчиларга хизмат кўрсатади. Агар йўловчи китобни охиригача ўқиб бўлмаган бўлса ҳеч кимсн йўқ, уни уйига олиб кетиши ва кейинги сафар чоғида қайтариши мумкин.

БЕЧОРА «МОБИ ДИК»

Ҳозир Мелвиллнинг «Моби Дик» китоби — Қўшма Штатларда энг машҳур саргузаштли романлардан бирндир. Лекин унинг биринчи нашри бор-йўғи 50 нусхада чиқиб, шундан бнронтаси ҳам сотилмай қолганини камдан-кам одам билади.

ЭНГ ҚИСҚА ГИМН

Жаҳондаги энг кичкина мамлакатлардан бири — Қувайтнинг гимни энг қисқадир. Унинг ижроси учун бор-йўғи 16 секунд кифоя. Гимн 18 тактдан иборат, тексти йўқ.

ДЕЛЬФИНЛАР УЧУН КОНЦЕРТ

Америкалик аквалангчи ва фотограф Дан Вагнер ўзининг ажойиб сув остн суратлари билан машҳур. Унинг айтишича, дельфинларга рок асарларидан кўра классик музнка кўпроқ ёқар экан. Яқинда Вагнер Багам ороллариде дельфинлар учун ҳақиқий концерт қўйиб берди. У тахминан 10 метр чуқурликда кучли радиокарнай ўрнатиб, Бахнинг энг машҳур композицияларини қўйди. Музнка янграши биланоқ унинг атрофида дарҳол 9 та дельфин «айлана» бошлади. «Менга шундай кўринднки, деб айтди Вагнер, уларга музнка жуда ёқди. Айниқса флейтанинг сеҳрли овозлари уларга жуда манзур тушди». Лекин америкалик замонавий рок-группаларнинг музнкали ёзувларини қўйишн биланоқ дельфинлар шу заҳотнёқ сув остн радиокарнайндан «дуч келган томонга» қочиб кетдилар.

МЕҲР

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

• *Публицистика*

Одам боласи эсини танигандан бошлаб, ҳаётнинг иссиқ-совуғи, аччиқ-лаззати, пасти-баланди, нур ва зулмат, изтироб ва фароғат — ҳаммасини кўра, идрок эта ва ниҳоят барига кўника боради. Ҳатто энг даҳшатлиси, ҳаёт шомида тугайдиган жон — ҳаммавақт ҳақ ўлимни ҳам кўради, бошдан кечиради. Ниҳоят бунга ҳам кўникади. Аммо шундай деймизу, бунисига кўникиш осон кўчмайди. Тоғдек сабр-бардош, метиндек мустаҳкам ирода ҳам даб-дурустдан ўзини йўқотиб қўяди, довдираб қолади. Айниқса фожиавий ҳаёт узилиши ва ёнавқирон ёшида ҳалок бўлиши, шаҳид кетиши.. Буларга чидаб бўлмайди. Бу шундай оғир мусибат юкики, уни бошига кулфат тушган одам якка ёлғиз кўтара олмайди. Худди шунақанги пайтда билинади одамнинг одамлиги. Дарров эшитибоқ кўмакка келишади. Ироқёвул, маҳалла-кўй, ёру-дўст, қариндош-уруғ мадад бўлади. Маросимни бирга ўтказади, юксак маданият, ахлоқ чўққиси, инсоний марҳамат, олижаноб бу анъана асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб, бизнинг кунларда тағин ҳам ривож топиб боряпти.

Ўлим ҳақ. Унга шак ҳам келтириб, чап ҳам бериб бўлмайди. Ҳаммамизнинг бошимизда бор савдо. Маъзур кўринг, азиз газетхон. Бир инсон сираси кўнглим бўшлигини айтай. Кўчада тобут кўтариб бораётганимизда то қабристонга етгунча ўтиб кетаётган одамлар тўдага қириб тобутга елка тутишади. Машиналар тўхтаб, ҳайдовчиси тобутга ёпишади. Бир неча, ҳа кўп эмас, ўн-ўн беш қадам тобутни кўтариб бориб, кўнгли таскин топади. Инсонийлик бурчини адо этганидан, марҳум ё марҳуманинг сўнгги ҳурматини бажо келтирганидан кўнгли жойига тушади. Шу лаҳзада у марҳумнинг кимлигини ҳам, бир куни келиб ўзининг ҳам бошида шу савдо борлигини ҳам ўйламайди. Одамийлик бурчини ўтаганини хаёлидан ўтказиб, дилида жойи ростини нурга тўлсин дея йўлида кетаверади. Шундай пайтларда кишиларимиздаги инсоний меҳр ҳаммавақт қалбларни тўлқинлантириб, одамларга бўлган муҳаббатни оширади.

Қандай яхши анъаналаримиз бор-а. Кишн билмас ўзимиз шунчалик ўрганиб қолганмиз ва бу авлоддан авлодга ўтиб келяптики, бирон марта шундай одатимиз борлигини ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Бўлмаса, бир дақиқа тасаввур қилиб кўрайлик-а. Мусибат рўй берди. Уйда мурда ётибди. Бир ўзингиз, ҳеч ким ёрдамга келмаса... Бу даҳшат! Бундай ҳол бошга тушишимас, ўйлаб кўришнинг ўзи даҳшат! Ҳеч вақт бундай бўлмаган, ота-боболариимиздан шундай бўлганини эшитмаганмиз. Едимда бор, уруш йиллари мамлакат ичкариси қари-қартанглар, аёллар, болаларга қолган оғир пайтларда ҳам тобутни аравага солиб, гўристонга олиб бориш ҳоллари камдан-кам бўларди. Инсон боласининг сўнгги ҳурматини бажо келтиришга қари-қартанглар, аёллargача қатнашардики, жасадни аравага солмасди. Масофа узоқ бўлса бунинг йўриғи бошқа. Ҳозир ҳам шундай, тўғри қилиняпти. Аммо одамлар ўша-ўша, меҳр-оқибат ўша-ўша, марҳум қадрияти, сўнгги ҳурматини бажо келтириш ўша-ўша.

Бугина эмас, қабристондан қайтганлар хонадон соҳиби ёнида бир дақиқагина ўтириб, кўнглига тасалли бериб, сабр-бардош, мадад бўладиган истакларни изҳор қилиб тарқалишади. Бу шунчалик самимий марҳаматки, ҳурматларига ёзилган дастурхонга ҳатто қўл уришмайди, ичилса бир пиёла чой ичилади, бўлмаса йўқ. Бу ҳам худди дастурхон атрофида узоқ ўтириш азадорнинг кўнглига сиғмайди, дейилмоқчидай. Ҳозирги тумонат, бир пастда тарқалган одамлар, яна бир-икки кун давом этадиган кўнгил сўрашлар бундоқ ўйлаб кўрилса меҳр-оқибатнинг шундай олижаноб, сеҳрли бир жилвасики, яқинидан жудо бўлган кишининг қалбига жилдираб, мусибатини аста-секин енгиллатади, кўнглига тасалли беради. Эл-юрт, маҳалла, ёру-дўстларнинг бу кўнгил сўрашларидан енгил тортган азадор бир умр шу яхшилар хизматида бўлишни кўнглига тугиб қўяди. Уларга меҳри ошади. Одамлар ўртасидан меҳр кўтарилса, олам остин-устун бўлиб кетади, дейилгани шундан бўлса керак.

Ҳаётда одам ҳатто ўлимга, жудоликка кўникар экан-у аммо, етимликка... Етимликнинг дарди бедаво, кўнгил синиқлигини олтин чега билан ҳам аслига келтириб бўлмас, ота-онаизор меҳрига ташна даблаб бир умр қуруқшаб, тамшаниб ўтаркан. Ўсади, улғаяди, ўқийди, ишлайди, уйли-жойли, бола-чақали, невара-эварали бўлади, ҳеч кимдан кам бўлмаган мазмунли ҳаёт кечиради ҳамки, барибир... ҳаёт шомигача... тўлмаган кўнгил ота-она меҳри илинжи бир лаҳза бўлса ҳам сўнмас экан, армонлигича қоларкан. Буни мен ўзим билган икки тақдир — бола ва қизнинг икки ўзбек хонадонида тарбияланиб, вояга етганларида, кейинчалик бир-бирларига кўнгил берганларида — буни мен ҳозирги давримиз ибораси билан «кўнгил берганлар» деяпман. Аслида қиз йигитни кўрмаган, орқаворотдан исмини, кимлигини эшитгандир. Чунки ўн-ўн икки ёшидаёқ паранжи ёпинган, остона ҳатлаб кўчага чиқмаган. Ўша даврнинг таомили ҳам шу эди.



Ижодкор дўстлар гурунги. Суратда: Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий ҳамкасблари Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати Т. Қаипбергенов, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ю. Суровцев, грузин шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Абашидзелар билан бирга.

С. МАҲКАМОВ фотоси.

Етимни бағрига олишнинг ўзи олижаноблик, катта меҳрибонлик ҳисобланар, етимча эсини танигандан бошлаб, оиланинг чўриси, ўйин-кулгудан маҳрум. Бунга вақти ҳам етмайди. Бир-икки соат ухлаб олгунча шунинг ўзи унга катта бахт бўларди. Қарғиш, силташ, калтаклашлар болаликда унга билинмас, аммо эсини таниб қолганида, айниқса бўйи ўсиб, кокиллари елкасини қоплайдиган, етилган, жойи чиқса эрта-индин узатса бўладиган ёшида ҳам инсон боласининг бардоши чидамайдиган «ит етимчадан тортиб гўрсўхта»гача заҳар-заққум қарғишлар, чиратма арқон ё савағич билан ҳушидан кетгунча калтаклашлар.... етимлик қисмати эди. Шўрлик қиз уриб-уриб ҳайдаб юборилар, қўшниларникида паноҳ топарди. Бора-бора етимчага раҳмдиллик қилган қўшнилар хонадон соҳибасининг таъсирини эшитишди, ҳатто «етимни йўлдан оздирадиганлар», деган туҳматга қолишди. Шу-шу қўшнилар ҳам ўзларини билмасликка олишди. Охири бечора қиз калтак азобига чидолмай кўчага ҳайдаб юборилганида эрта баҳордан чорбоқларига кўчиб кетадиган хонадонларнинг ҳовлисига том ошатушиб, тунаб қоладиган бўлди. Қоқ қорайиши билан қўшни болалар уйларидан овқат олиб чиқиб етимча қизга томдан узатишарди. Шўрлик қиз шу ҳолатда бир неча кунлаб бировларнинг кўчиб кетган ҳовлисида, айвони ё оғилхонасида хашак устида ётиб юрарди. Уч-тўрт кун ўтиб қочиб кетган етимчани уй эгалари топиб олишар, тилёғламалик қилиб одамлар орасида тавбасига таянтириб олиб кириб кетишарди. Орадан бир ой, ярлақаса икки ойча ўтарди-да бу ҳол яна такрорланарди.

Маҳалламиздаги аёллар ўртасида анчагина сўзамол, тўғрисўз, шиддатроқ бувим ҳеч чидолмай бир-икки орага тушиб, қизни ҳимоя қилиб кўрди, эпполмади. Охири бир сафар қайси бир мовлиятда, тумонат олдида ғазаб билан шундай дебди: «Ҳой мусулмонлар, етимча одаммасми. Нега бунчалик хўрлайди. Биз бўлсак кўриб кўрмасликка оламиз. Мен Султон опанинг олдига чиқмоқчиман (янги тузилган хотин-қизлар Советининг раиси), комиссияга айтмоқчиман». Эсимда бор, шу гапдан кейин қизни калтаклаб, кўчага ҳайдаб юборишларга барҳам берилганди. Фақат остона ҳатлаб ташқарига чиқаришмас, паранжисиз юргизишмасди. Шу орада йигитимиз тарбия олган, хизматкори бўлган хонадон бой хонадонлардан ҳисобланар ва йигирманчи йилларда қулоқ қилиб, уй-жойи мусодара этилганди. Турган гапки хизматкор кўчада қолиши, авжи куч-қувватга тўлган йигитлик ёшида саргсон-саргардон бўлиши, очиқроқ айтганда тирикчиликнинг ташвишини қилиши керак. Ким унга иш берарди, қаёқдаги етимчага-я. Ким унга ишонарди, ё тинланчилик қилиш, ё.... бу ёғига қалам ҳам юрмайди...

Ҳа, муболаға қилаётганимиз йўқ. Инқилобдан аввал қисмат шундай эди. Янги замон худди унга ўхшаган камбағал-бечора ҳоллар замони, етимпарвар замон, Ленин замони эди. Тўғри меҳнат биржасига борди, эртасигаёқ от-арава миниб, маҳалласига, аввалларн уни мана шу. Шўро одам деб тан олиб, ишэниб хизматига олган кун» дерди. Шу куни назаримда у бугунги кун қиёси билан айтадиган бўлсам, космосга парвоз қилган эди. Ўз талабам — айтиб қўя қолай — эндиликда ёши бир ерларга бориб қолган аравакаш маҳалладаги мен дарс берадиган саводсизликни битириш курсида таҳсил кўрарди. Курсдагилар ичида энг қийнайдиган, зеҳни пастроқ ўқувчилардан бири бирдан ўзгариб қолгани, меҳримни товлантириб юборганди. Энди у билан дарсдан кейин қолиб соатлаб шуғулланишга тайёр эдим.

Сал илгарилаб кетдим, воқеий лавҳа шунақа, ҳаммавақт шошириб кўяди. Аравакаш етимимиз янги туғилган кунидан бир-икки йил ўтмаёқ ўзини тиклаб олди. Аввалига икки уй, айвонли ҳовлини ижарага олди. Қўшни қизимизга одам қўйдирди. У ҳам зимдан эшитиб юрган бўлса керак, кўна қолибди. Ҳар қалай ўша давр кишиларининг психологиясидаги «тенг-тенги билан» деган ақидага амал қилингани сезилиб турарди. Тўй бўлди, бир йилдан кейин фарзанд кўришди. Шу тўнғичлари ҳозир ўзи бобо бўлиб, серфарзанд онланинг бошлиғи. Бироқ оталарининг туғилган кунларини — янгисини сира унутишмайди. Ота насиҳати бу! Эр-хотин оламдан кўз юмганларига анча бўлди.

Азиз газетхон воқеликни яширмай, оширмай, тоширмай, бадиий тўқима, муболағаларга ҳам йўл қўймай, қисқача баён қилдим-у, исмларини айтмадим. Матбуотда гоҳо қўлланадиган усул — номларини ўзгартиришни ҳам ўйладим-у, сира кўнглим бўлмади. Яқин кишингга нисбатан қандайдир алдамчиликдек бўлиб туюларкан. Иннайкейин одоб сирасини сақлашни лозим топдим. Ахир қисмати оғир чин етим тақдирларини бир ёстиққа сиғдириб, меҳр отлиқ кемада ҳаёт ummonida сузиб, ували-жували бўлдилар. Кўпдан-кўп шу фарзандлари ҳаққи-ҳурмати ўтмиш азобларини бошдан кечирган ота-оналари исмини айтмадим.

Бу воқеани ҳикоя қилишдан муддао боя айтган етимлик ҳаммасидан ҳам бедаво, бутун умр бўйи эзади деган фикрни тўлдиришдир. Акамиз — исмига «ака» қўшиб шундай деб юритардим, уй-жойли, ҳатто маълум даражада бадавлатроқ ҳаёти давомида ўзи ҳам, хотини ҳам тупроғини ялаб, тузини тотган эр-хотининг ўз иборалари билан айтганда «бошларини силаб, одам қилганлар»нинг ҳурматини бир дақиқа ҳам унутишмаган, ҳаммавақт ўрнига қўйишган. Шу хонадон фарзандларидан ҳозир ҳаётлари буни яхши билишади. Шундай бўлишига қарамай, акамиз аҳён-аҳёнда яккаёлғиз қолганимизда ўз туққан онаси, меҳрибон отасини («меҳрибон» унинг сўзи, у шундай деб туриб нима учундир «ахир меҳр бўлмаса ота бўлмайди-ку, тўғрими гапим» деб такрорларди) қўмсаб гапиради. Йўқ гапиролмасди, дарров ўпкаси тўлиб, ич-ичидан хўрлиги келиб турганини шундоқ сезиб турардим. Эварали бўлган кишининг бу дардини ҳеч нарса билан ифодалаб бўлмасди. Устозим Ғафур аканинг шеърини ўқиб туриб «Етимлик нимадир, бизлардан сўра. Оҳ у етимлик... Вой бечора жоним десам арзийди» деган сатрларга келиб тўхтаб қоламан. Худди шу одамни кўзда тутиб ёзилганига шубҳа қилмайман. Зеро, ҳаммақалла Ғафур ака бу аравакашни билибгина эмас, у хизматкор хонадон соҳибининг ўғли билан тенгқур, ўртоқ эдилар. Омон-омон бўлиб, ўзи арава ҳайдай бошлаганда у билан доим ҳазиллашиб юрарди Ғафур ака.

Етимлик азоби ана шундай.

Федор Кульчиковский тошкентлик темирчи Шоаҳмад ака тарбиясига олган болалардан бири. Қирқ беш йил деганда Днепропетровскда истиқомат қилган бувисини топди. Учиб борди. Кўзи сал хиралашиб қолган бувисининг бағрига отилган Федя, ўзини йиғидан тўхтатолмабди. Бувиси ҳам йиғлар «минг шукурки, мана дийдорингни кўрдим» дейди. Дейдию, орадан сал вақт ўтмай оламдан ўтади. Федор ўзи бориб, ўз қўли билан дафн этади, маросимларини ўтказиб қайтади. Кексайиб қолган холаси ҳам, қишлоқдагилар ҳам, бугина эмас эшитганлар борки, ҳаммалари «Ўғлига илҳақ бўлиб турган экан, меҳрига қониб, кўнгли тинчидию, бир юз тўрт ёшида хотиржам кўзини юмди, меҳрини зурёдига қолдирди» дейишади. Балки шундайдир. Ҳар қалай Федорнинг кўнгли тинчиган, гўё етимлик нималигини билмаган, кўрмагандай.

Тошкентнинг Чорсусидан бошланган хода бозор, бедабозор, ғўза бозор, коппон, у ёғи узум бозор, гул бозор, пичоқчилик, тақачилик, бешик бозор, мисгарлар, чилангралар, тунукасозлар дўконлари тимларда баззозлик, дўппибозор, қийиқча, тўн, яктак, атторлик расталари узра айниқса бозор кунлари исириқ дуди ёқимли димоғга урилади. Одамлар оралаб кашкулида исириқ тутатиб юрган жулдур кийимли маддоҳнинг овози янграйди.

Бугун бозорга ўхшайдир,
Етимлар зори қақшайдир.
Етимнинг ҳолини сўрсанг
Отоси йўққа ўхшайдир,
Етимнинг ҳолини сўрсанг,
Оноси йўққа ўхшайдир.

Халқ оғзаки ижодидаги мана шу сатрлардан революцияга қадар етимлар қисмати қай ҳолда бўлгани яққол кўриниб турибди. Туркистонда оиласидан маҳрум бўлган етимлар ўз ҳолига ташлаб қўйилар, биронта давлат муассаси йўқ эди. Етим-есирларга ёрдам бериш хайр-саховат қилувчи айрим кишиларнинг иши эди. Мабодо биронта етимни тарбиясига олган учраб қолса чўри, хизматкор ўрнида оларди. Буниси ҳам бир нави. Ёбичиш, кийинтиришдан қисганлари устига, чидаб бўлмайдиган даражада таҳқирланардилар. «Етим қўзи асрасанг оғзи бурнинг мой қилур, етим бола асрасанг оғзи бурнинг қон қилур», деган жирканч мақол, «етимча» деган сўзнинг ҳақорат ўрнида ишлатилиши ўша давр ҳаётининг етим-есирларга «меҳрибонлиги» эди. Октябрь қуёшининг илк ёғдулари биринчи бўлиб етим-есирлар бошига ёйилди, елкасини илитди. Халқлар доҳийси Владимир Ильич Ленининг қайноқ меҳри даставвал ана шу етимларга тушди, уларнинг қалбидан жой олди. Доҳий меҳрининг буюклигини ифода этадиган иккита оддий ва ниҳоятда қадрли ноёб ҳужжат бор. Бири 1919 йили Биринчи май байрами куни Москванинг Қизил майдонида олинган фотосурат. Владимир Ильич Ленин ёнида бир бола кулиб турибди. Боқимсиз Коля Дубинин бўлади бу бола. Иккинчи фотода кўкаламзор боғ ўртасидаги тахтадан ясалган оддийгина скамейкада Владимир Ильич Надежда Константиновна билан бирга икки бола — бири доҳийнинг жияни Виктор ўрталарида, иккинчиси, қизалоқ Надежда Константиновнанинг тиззасида эркаланиб ўтирибди. Етмиш тўрт баҳорни кўрган бу нуроний онахон Вера Ивановна Брусова «Правда» газетаси мухбири билан суҳбатда «Бир умр доҳий меҳри билан яшаганимдан бахтиёрман» дейди.

Коля Дубинин ҳақида гапиришдан олдин Владимир Ильич Ленин номидаги Совет болалар фондининг ташкил этилганлиги мамлакатимизда қайта қуриш даврининг ёрқин ва муҳим ҳосилаларидан бири бўлганлигини айтиш зарур. Бу шундай олижаноб, катта аҳамиятга молик тарихий воқеа бўлдики, бутун совет кишилари мазкур фондинг тузилишини маъқуллаб, унинг фондини тинимсиз бойитиб турибдилар. Бу ташкилот том маънода халқчил, етимпарвар ташкилот бўлиб ривож топишига шубҳа йўқ.

Ана энди Коля Дубининга келайлик. У жуда машаққатли ҳаёт ва илм йўлини босиб ўтди. Самара ҳамда Брянск областларидаги болалар уйида тарбия топган Николай Петрович Дубинин бугунги кунда дунёга донги кетган машҳур биолог олим, академик, АҚШ миллий академиясининг фахрий аъзоси, Ленин мукофотига илк бор сазовор бўлганлардан бири. Доҳийнинг меҳри тушган академик болалар фондининг тузилишида ҳам бош-қош бўлганлар сирасида. Шу фондинг органи бўлган «Семья» ҳафталигининг биринчи сонидаги суҳбатида тарбиялаб вояга етказган меҳрибон мураббийларига таъзим бажо келтиради ва меҳр тўла қалбини очиб бу хайрли ишга, инсоний бурчимизга ҳар биримиз сидқидилдан ёндашишимиз лозимлигини уқтириб ўтади.

Ҳа, етимпарварлигимиз Октябрдан бошланган. Мамлакатимиз ҳаётидаги оғир дамларда, Улуғ Ватан уруши йилларида минг-минглаб етимларни тарбиялаб, вояга етказдик. Республикамиз аҳли бу ишда мисли кўрилмаган жасорат кўрсатди. Уруш етимларини ўз бағрига олиб, тарбиялади. Бутуниттифоқ болалар фондининг Ўзбекистон бўлими ташкил этиланиноқ ўзбек халқи меҳрининг ифодаси деб атагим келади. Халқимиз болажонлиги билан ҳар қанча фахрланса арзийди, ярашади. Аммо бемеҳр оналарнинг фарзандларини тирик етим қилаётган, она деган номга доғ тушираётган аёллар ҳақида ўйлаб кўриш пайти келди. Турмушга, фарзандига бефарқ оталар-чи? Модомики тирик етимлар камаймаётган экан бундай ота-оналарга ҳеч тап тортмай қонун доирасида чора кўриш фурсати етди. Токи улар инсоний меҳрга гард юқтирмасинлар. Акс ҳолда болаларда ҳам бемеҳрлик палак отади.

Юртимизнинг энг табаррук, пири-бадавлат кишилари — ветеранлар оқсоқоли Расул Ғуломов, суюкли шоир Ўзбекистон ССР халқ шоири Эркин Воҳидов ва бир қатор ветеранлар юртдошларга матбуот орқали мурожаат қилиб, болалар тарбияси бобида қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарз бўлган оқилона маслаҳатларини бериб, болалардан меҳримизни дариғ тутмаслигимизни таъкидлашади. Биз бу даъватларига пешвоз чиқамиз. Ҳар бир болага етти хонадон жавобгар таомилига амал қилмоқлик, меҳримизни дариғ тутмаслик инсоний бурчимиз, ҳам қарз, ҳам фарздир.

Меҳр ҳақида гапиргандик. Меҳримиз ҳамиша кўз қорачиқларимиз, жажжиларимиз, дўмбоқларимизга бахшида. Негаки бизга улуғ доҳийнинг назари, меҳри тушган.

Евгений Константинович БАТУРИН

Республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер, партия ва меҳнат ветерани, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, профессор Евгений Константинович Батурин 1988 йил 8 сентябрь куни вафот этди.

Е. К. Батурин 1908 йил 21 февралда Уфа шаҳрида туғилган, 1932 йилдан буён КПСС аъзоси эди. У 1936 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини битирди, шундан кейин унинг бутун ҳаёти ва иши ана шу институт коллективи билан боғлиқ бўлди. Ассистент, доцент, факультет декани, проректор бўлиб ишлади, 40 йилдан кўпроқ машиналар ремонти кафедрасига мудирлик қилди. Унинг фаол иштироки билан минглаб инженер-механик тайёрланди, қишлоқ хўжалик техникаси ремонт базасини вужудга келтириш ва ривожлантиришга у катта ҳисса қўшди. Машиналар ремонти илмий мактабининг ташкилотчиларидан бири бўлган Е. К. Батурин 20 нафардан ортиқ фан доктори ва кандидати тайёрлади; 100 дан кўпроқ илмий асар ёзди. Е. К. Батурин бир қанча институт олимлар кенгашининг аъзоси ва Ўзбекистон ССРдаги собиқ «Госкомсельхозтехника» коллегиясининг аъзоси эди.

Е. К. Батурин одамларга нисбатан сезгир, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашар эди. Куйбишев район партия комитети аъзолигига сайланган, бир неча чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутати бўлган эди.

Е. К. Батурин Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва СССР медаллари билан мукофотланди.

Коммунист ва педагог Евгений Константинович Батуриннинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

• *Тингланг, томоша қилинг*

10 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Дашт тароналари. 9.30 — Нега ва нима учун? 10.00 — Ҳужжатли фильм. 10.30 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.00 — Болгария бадиий ҳаваскорларининг концерти. 11.20 — Социализм мамлакатларида. 11.50 — Ҳайвонот оламида. 12.50 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 13.20 — Детектив ўйини. 14.00 — Қайта қуриш ва маданият. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.20 — «Москва бўйлаб бораман». Бадиий фильм. 16.35 — Усталар орасида бир кун. 17.05 — Халқаро программа. 18.05 — 1988 йил қўшиқлари. 19.00 — «Бориб ўз кўзинг билан кўр». Бадиий фильм, 1 ва 2-серналар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Музикали программа. 23.30 — Янгиликлар. 23.35 — «Монтаж». Телефельетон.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Истиқбол. 9.25 — Реклама. 9.35 — Телевизион театр абонементи. 10.35 — Реклама. 10.40 — Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 10.55 — Здоровье. 11.40 — Реклама. 11.45 — Илмий-оммабоп фильм. 11.55 — Реклама. 12.05 — Дин ва жамият. 12.35 — Реклама. 12.40 — Йил фасллари. 13.40 — Реклама. 13.45 — Илмий-оммабоп фильм. 14.00 — Уй академияси. 14.30 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.30 — «Труд» газетаси соврини учун рақс коллективларининг конкурси. 16.05 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 17.05 — «Мафтункор лаҳзалар». Бадиий фильм. 18.30 — Мультфильм. 19.40 — Гитара янграйди. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 — Сизни Москва Кремли комендатурасининг намунали кўргазмали оркестри таклиф этади. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Тўмарис». Бадиий фильм. 23.25 — Янгилик. 23.30 — Хоккей. «Спартак» — «Крылья Советов».

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.30 — Шанба экрани. 11.00 — Даволаш физкультураси. 11.10 — Виз қандай дам оламиз. 11.40 — Спорт программаси. 12.50 — Эртаклар оламида. 13.20 — Телениниатюралар театри. 14.30 — Прото.колда нималар бор?! 15.00 — Замандас. 16.00 — Оталар чой-хонаси — кулги кошонаси. 17.50 — Мультфильмлар. 18.15 — Тенгдошлар. 19.00 — Хотира. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Тўйлар муборак». Кинокомедия. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

УзТВ-II. Душанба. 17.50 — Концерт. 18.20 — Чим устида хоккей. Тожикистон чемпионати. 19.00 — Новости. 19.15 — Инсон. Автомобиль. Йўл. 20.00 — Ахбор. 20.15 — Ижод саҳифалари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ортиқча бўлиш». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Танишинг: янги овозлар. 10.15 — Гулшан. 11.30 — Ешлик. 12.10 — Строитель Узбекистана. 12.30 — А. Пўлат шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — В. Сарои. «Кичкинтой Джонни». Радиоинсценировка. 16.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 17.00 — Музикали радиопочта. 18.15 — Шовқин — аср фалокати. 18.30 — «Лазги» ансамблининг концерти. 19.20 — Ешлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Шанба оқшомида. 22.45 — Республикада хизмат кўрсатган артист Ш. Эргашев куйлайди. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти чекланмаган миқдорда пўлатдан ясалган трафарет табличка (шильдлар) тайёрлаш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Материал билан нашриётнинг ўзи таъминлайди.

Буюртмалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41-уй, буюртмалар столи, сешанба ва жума кунлари соат 10 дан 16.00 гача келиб учрашиш мумкин.

Справкалар учун телефон: 33-80-07.

•

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

11 СЕНТЯБРЬ соат 17.00 да СССР 51-чемпионати учун I-лиганинг

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «РОСТСЕЛЬМАШ» (Ростов-Дон)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Танаффус вақтида спорт-буюм лотереяси ўйналади.

Серия номерлари — 044001 дан 046000 гача.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ҳурматли футбол ишқибозлари! Билетларни ўз вақтида сотиб олишингизни илтимос қиламиз.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

15, 16 сентябрь соат 20.00 да

17, 18 сентябрь соат 16.00 ва 20.00 да

Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати, Қозоғистон ССР халқ артисти

Роза РИМБАЕВА,

Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати «ДОС-МУҚАСАН» вокал-чолғу ансамбли ҳамда «АРАЙ» ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

•

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/IX да **Кориолан.**

• *Спорт*

ФУТБОЛ:

ЎРИНЛАРДА ЎЗГАРИШ

Биринчи лига коллективлари ўртасида 31-тур ўйинлари ўтказилди. Бу сафар дарвозалар жами 28 марта ишғол этилди. Душанба ва Тошкент шаҳарларида йирик ҳисоблар қайд этилди. Чемпионат пешқадами — «Помир» футболчилари «Ростсельмаш» коллективини қабул қилиб, дарвозга тўртта жавобсиз тўп киритишди. Олий лигага чиқишга асосий даъвогар бўлиб турган помирчилар 19 ғалаба билан 46 очко тўплашди. «Пахтакор» футболчилари ҳам мухлисларни қувонтиришди. Вакилларимиз «Заря» командасини қабул қилдилар. Бу ўйинда зафар қучган (4:1) майдон эгалари 36 очко билан мавқеларини анча мустаҳкамлашди. «Ротор» коллективи эса ўз майдонида пойтахт армиячилари билан ўйнаб (3:0) жами ғалабаларини 16 тага етказишди. Ставрополь динамочилари эса сафарда «Даугава» футболчиларига ютқазиб (1:2), қимматли икки очко йўқотишди. Шундай қилиб ҳозир пойтахт армиячилари, Ставрополь динамочилари, «Ротор», «Пахтакор» командалари 36 тадан очко билан олий лигага бериладиган йўлланмадан бирига даъвогарлик қилмоқдалар.

УЙИНЛАР ЖАДВАЛИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ҚУЙИДАГИЧА:

Помир	19	8	3	59-25	46
Ротор	16	4	9	49-26	36
ЦСКА	14	8	8	41-25	36
Пахтакор	14	8	8	42-27	36
Динамо Ст	14	8	9	41-31	36
Гурия	15	4	9	44-29	33
Карпати	13	7	10	41-23	34
Даугава	13	6	10	42-35	32
Геолог	13	5	12	35-39	31
Ростсельмаш	12	7	10	39-40	31
СКА	12	7	10	39-40	31
Таврия	10	10	10	28-28	30
Спартак	11	6	13	41-44	28
Котайк	11	5	14	38-57	27
Шинник	10	7	13	31-35	27
Металлург	9	8	13	22-32	26
Кузбасс	7	12	11	21-30	26
Динамо Вт	10	4	15	26-34	24
Заря	8	7	14	35-42	23
Кубань	8	6	16	26-43	22
Колос	7	6	18	23-45	20
Звезда	5	9	16	25-56	19

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари сиёсий иқтисод кафедраси ўқитувчиси Э. Э. Эргашевга отаси

Эшим ЭРГАШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 10960. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 208. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12